Белгиланган катталикларни, яъни (14) ифодани (13) ифодага қўйсақ қуйидагига эга бўламиз

$$m\ddot{Z} = \left[(\Delta_{cm} - Z) C_n - \dot{Z} \epsilon_n \right] B (1 + \mu \operatorname{tg}\alpha_n) - mg - (R_x^n + F_x^n) \operatorname{tg}\alpha_n - (R_z^n + F_z^n) + \sum_{n=1}^{n_1} \left[(\Delta R_x^n + \Delta F_x^n) \operatorname{tg}\alpha_n - (\Delta R_z^n + \Delta F_z^n) \right] \cos n\omega t - (P_{np}^0 + Z C_n) \quad (15)$$

Агар статик ҳолатдаги мувозанат тенгламаси (1) ни ҳисобга олсак, (15) тенгламадаги (1) ифодага тегишли катталикларнинг йиғиндиси нолга тенг бўлади. У ҳолда

$$m\ddot{Z} + B \epsilon_n \dot{Z} (1 + \mu \operatorname{tg}\alpha_n) + (C_n B + C_n) Z \cdot (1 + \mu \operatorname{tg}\alpha_n) = \sum_{n=1}^{n_1} \left[(\Delta R_x^n + \Delta F_x^n) \operatorname{tg}\alpha_n - (\Delta R_z^n + \Delta F_z^n) \right] \cos n\omega t \quad (16)$$

ёки

$$\ddot{Z} + \frac{\epsilon_n \cdot B \cdot \epsilon}{m} \dot{Z} + \frac{(C_n B + C_n)}{m} \epsilon Z = \frac{1}{m} \sum_{n=1}^{n_1} \left[(\Delta R_x^n + \Delta F_x^n) \operatorname{tg}\alpha_n - (\Delta R_z^n + \Delta F_z^n) \right] \cos n\omega t \quad (17)$$

бу ерда: $\epsilon = 1 + \mu \operatorname{tg}\alpha_n$

Аниқланган (17) ифода бир жинсли бўлмаган иккинчи даражали дифференциал тенглама ҳисобланади. Бу тенглама таянч ғилдираги, ариқ очғич ва тупроқни ёйувчи қанотни вертикал текисликдаги бўйлама тебранишини ифодалайди.

Бу тенгламанинг ечими қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин [4]

$$Z_x = Z^I + Z^{II} \quad (18)$$

бу ерда: Z_I – тенгламанинг чап қисмини (ўнг қисми-сиз) умумий ечими бўлиб, ишчи органни эркин тебранишини ифодалайди. Z_{II} – тенгламанинг хусусий ечими бўлиб, ΔR_n^x , ΔF_n^x ва ΔR_n^z , ΔF_n^z таъсири остидаги мажбурий тебранишларни ифодалайди.


Тенгламадаги $\epsilon_n \cdot B \cdot Z(1 + \mu \operatorname{tg} \alpha_n)$ қаршилик кучи мавжуд бўлганда, қаралаётган системанинг эркин тебранишлари тез сўнади ва ўтиш давридан сўнг у фақат мажбурий тебранади.

Тенгламани ўнг қисми ишчи органларнинг мажбурий тебранишини ифодаловчи ечими қуйидаги кўринишда бўлади.

$$Z(t) = \frac{1}{m} \sum_{n=1}^m \frac{[(\Delta R_n^x + \Delta F_n^x) \operatorname{tg} \alpha_n - (\Delta R_n^z + \Delta F_n^z)] \cdot \cos(n\omega t - \delta_n)}{\sqrt{\left[\frac{(C_n B + C_n) \epsilon - (n\omega)^2}{m}\right]^2 + \left(\frac{\epsilon \cdot \epsilon_n \cdot B}{m}\right)^2} \cdot (n \cdot \omega)^2} \quad (19)$$

бу ерда:

$$\delta_n = \frac{\epsilon_n \cdot B \cdot \epsilon (n \cdot \omega)}{(C_n \cdot B + C_n) \epsilon - m(n\omega)^2} \quad (20)$$



2-расм. Мажбурий тебраниш амплитудаси A_{max} ни пружинанинг бикрлиги C_n га боғлиқ равишда ўзгариши

Экиш эгатининг чуқурлиги ва тупроқ уюмини сепилган уруғ устига ёйилган тупроқ қатлами бир текисда бўлиши учун қуйидаги шарт бажарилши керак

$$A_{max} \leq 0,5 \cdot \Delta h \quad (21)$$

бу ерда: A_{max} – ишчи органларнинг мажбурий тебранишларини максимал амплитудаси;

Δh - экиш эгати чуқурлиги ва ёйилган тупроқ қатламининг руҳсат этилган ўзгариши.

Юқоридаги $Z(t)$ нинг тенгламасини A_{max} нинг ўзгариш шarti асосида ёзадиган бўлсак қуйидагига эга бўламиз

$$\frac{1}{m} \sum_{n=1}^m \frac{[(\Delta R_n^x + \Delta F_n^x) \operatorname{tg} \alpha_n - (\Delta R_n^z + \Delta F_n^z)]}{\sqrt{\left[\frac{(C_n B + C_n) \epsilon - (n\omega)^2}{m}\right]^2 + \left(\frac{\epsilon \cdot \epsilon_n \cdot B}{m}\right)^2} \cdot (n \cdot \omega)^2} \leq 0,5 \cdot \Delta h \quad (22)$$

Бу ерда тенгсизлик асосан параллелограмм механизмининг босим пружинасини бикрлигига боғлиқ. Олинган тенгсизликни қуйидаги қийматлар орқали аниқлаб, натижасини $0,5 \Delta h$ билан солиштирилади. Бу ерда нотекисликни $\Delta h = 1$ см деб оламиз [2].

$$C_n = 1700 \text{ Н/м}^2; \quad B_n = 0,12 \text{ м}; \quad \epsilon_n = 51200 \text{ Нс/м}^2;$$

$$C_H = 2000, \quad 3000, \quad 4000, \quad 5000, \quad 6000 \text{ Н/м};$$

$$\Delta R_n^x = 300 \text{ Н}; \quad \Delta F_n^x = 120 \text{ Н}; \quad \Delta R_n^z = 50 \text{ Н};$$

$$\Delta F_n^z = 30 \text{ Н}; \quad m = 81 \text{ кг};$$

$$\omega = 2 \text{ с}^{-1}; \quad \alpha_n = 20^\circ; \quad \mu = 0,3; \quad \epsilon = 1 + \mu \cdot \operatorname{tg} \alpha_n = 1,11; \quad n = 1.$$

Пружинанинг бикрлигига нисбатан A_{max} нинг катталиги 2-расмда кўрсатилган.

Юқоридаги тенгсизлик, яъни . Пружинанинг бикрлиги 5 кН бўлганда $A_{max} = 4,8$ мм Агар Δh ни максимал қийматини 1 см деб олсак $A_{max} = 4,8$ мм яъни $\Delta h > A_{max}$ ($5 > 4,8$ мм).

Хулоса. Сепилган дон уруғининг тепасига ёйилган тупроқ қатламини бир текисда бўлишини таъминлашда қурилмадаги пружинанинг бикрлиги $C_n < 5$ кН/м бўлиб қолса, нотекисликнинг амплитудаси йўл қўйилган катталикдан кўпайиб кетади; $C_n > 5$ кН/м бўлганда пружинанинг бикрлиги ортиб, пружиналик хусусияти камаяди.

Адабиётлар:

1. Тўхтақўзиев А., Мейлиев А.Х. Экиш эгати чуқурлигини бир текислигини таъминлаш// “Машина лартехникасининг хозирги замон муаммолари” Хорижлик олимлар иштирокидаги Республика илмий-техник конференциялари маърузалари тўплами. - Тошкент. 2004. 181-184 б.
2. Хлопководство Узбекистана за 50 лет. “Справочник” Под ред. Т.Т.Зинина-Ташкент: Узбекистан. 1967. –С. 361-390.
3. Основы планирования эксперимента в сельскохозяйственной машинах РТМ 23,2.36-73. - М.: ВИС ХОМ. 1974. -116 с.
4. Аугамбаев М.И., Треков Ю.И. “Планирование эксперимента в научных исследованиях по механике сельского хозяйства” Под. ред. Г.М.Рудакова В.Т. – Янгйюл. 1984. -648 с.

ОҚИЗИҚЛАРНИ ТОЗАЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эргашев Р.Р. - т.ф.н., к.и.х.и.,

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Насос станциясига оқиб келаётган сув ўзанининг ўзгариши, қирғоқларни ювиб кетиши ҳисобига сув билан бирга дарахт ва қамиш поялари, шоҳлар, илдизларидан иборат бўлган оқизиқлар насос станциясига оқиб келиб, насос қурилмаларига механик таъсир этиши натижасида уларнинг ишдан чиқишига олиб келади. Насос қурилмаларининг ишончли ишлаши сувнинг тозаллигига ва сув сатҳининг меъёрида бўлишига боғлиқ. Сув билан бирга оқиб келаётган оқизиқларнинг таркиби, оқиб келиш даври ва ўлчамларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар таҳлил қилинган. Насос станцияси аванкамераси олдида ўрнатилган панжаралар олдида тутиб қолинган оқизиқларни тозалаб, олиб ташловчи қурилма параметрларини аниқлаш бўйича ўтказилган изланишларнинг натижалари келтирилган.

Abstract

Reliability of the pumping station equipments mainly depend on the purity and level of water, flowing to the pump station. Equipments of big pumping stations fail mainly due to mechanical effects of different materials (debris) like trunks, roots of tree and canes. The article presents the results of studies which were conducted to determine the amount, composition and size of the floating debris, and also suggested modernized equipment for cleaning trash racks mounted in front forebays. There are given results of how to determine parameters of the equipment for cleaning trash racks.

Аннотация

Надежность работы оборудования насосных станции в основном зависит от уровня и чистоты воды, подаваемой в насосную станцию. Оборудование крупных насосных станций выходит из строя в основном из-за механических воздействий различного мусора в составе которого имеется топляки, корневища и др. В статье приведены результаты проведенных исследований по определению количества, состава и размеров плавучего мусора, а также предложено модернизированное устройство для очистки сороудерживающей решетки, установленной перед аванкамерой. Приведены результаты по определению параметров устройства для очистки сороудерживающей решетки.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов томонидан 2013 йил 19 апрелда қабул қилинган “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорда 2013 — 2017 йиллар даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, бунинг асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ишлашини таъминлаш, ерларнинг унумдорлигини ошириш, 35 та мелиоратив насос станцияларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 11533 та насос қурилмаларини таъмирлаш ишларини бажариш каби ўта муҳим масалалар қўйилган [1].

Насос станциясининг ишончли ишлашини таъминлаш узатилаётган сувнинг тозаллигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги сабабларга кўра яъни, сув ўзанининг (оқиш йўлини) ўзгартириши, қирғоқларни ювиб кетиши ҳисобига сув билан бирга дарахт ва қамиш пояларини, шоҳларини, илдизларини ювиб олиб келиши натижасида ифлосланиш ҳолати юзага келади. Бундай ҳолат айниқса тўсатдан бўладиган сув сатҳининг кўтарилиши натижасида тошқин содир бўлганда ва айниқса вегетация даврида, яъни насос станциялари тўла қувват билан ишлаган вақтларда кузатилади.

2006-2014 йилларда Аму–Бухоро ва Карши машина каналлари насос станцияларида олиб борилган кузатув ишлари натижасида насос агрегати ишдан чиқишига олиб келувчи сабаблар таҳлил қилинди. Бунда насос агрегатлари асосан чўкинди ва сув юзасида сузувчи,

қалқувчи жисмлар-оқизиқларнинг механик таъсирлари натижасида ишдан чиқиши аниқланди (1-расм).

Бундай ҳолатлар айниқса насос станциясига оқизиқларнинг ўтиб кетиб насос агрегатлари қисмларига таъсир этганда, қурилмаларнинг ишдан чиқиш ҳолатлари 48% гача бориб етган [2].


Боботоғ насос станциясида оқизиқларни тутиб қолувчи панжаралар ўрнатилмаганлиги сабабли насос қурилмаси филофи ичига тўнкаларнинг кириб, тикилиб қолган ҳолатлар учраган (2-расм). Икки томонлама сув сўрувчи насосларнинг бир томонига оқизиқларнинг кириб қолиши натижасида сув йўли бекилиб, насос агрегати мувозанатининг бузилиши сабабли қўшимча титрашлар таъсирида ишлашига олиб келади.

Оқизиқларни насос қурилмаларига кириб кетишини олдини олиш учун насос станцияларига, аванкамеранинг ёки насос сўрувчи қувирларининг олдида, оқизиқларни тутиб қолувчи панжаралар ўрнатилади.

Панжаралар олдида оқизиқлар тўпланиб қолиши сабабли сув келувчи каналда сувнинг сатҳининг кўтарилиб кетишини олдини олиш мақсадида оқизиқларни тозалаш қурилмаларидан фойдаланилади [3].

Ҳамза -1 ва Ҳамза -2 насос станцияларида панжаралар олдида тўпланиб қолган оқизиқларни тозалаш учун ҳозирги вақтда фойдаланишда бўлган мавжуд қурилмаларни ишлаш жараёни ўрганилди (3-расм). Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики ўлчами ва таркиби турлича бўлган оқизиқларни панжаралар олдида нотекис тўпланиб қолганлиги сабабли мавжуд қурилмалар тўлиқ олиб ташлаш имкониятига эга эмаслиги аниқланди.

Юқорида кўрсатилган талабларни инобатга олиб,



1-расм. Насос агрегатларининг ишдан чиқиш сабаблари (фоизда)

панжаралар олдида тўпланиб қолган оқизикларни қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар, тозалаб олиш учун мавжуд тозалаш қурилмаларини модернизация қилиш ва унинг ишчи жиҳозларининг параметрларини тўғри танлаш мақсадида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Тозалаш қурилмасининг параметрларини асослашда оқиб келаётган оқизикларнинг ўлчамларини тури ва ҳажми катта аҳамиятга эга. Панжаралар олдида тўпланиб қолган оқизикларнинг таркибини аниқлаш учун Хамза-2 насос станциясида олиб борилган кузатишлар натижасида сув билан бирга оқиб келаётган оқизикларнинг ўлчамлари, оқиб келиш даври ва ҳажми тўғрисида қуйидаги маълумотлар тўпланди. Оқизиклар таркиби асосан қамиш пояси ва илдизи (53%), дарахт шохлари ва илдизларидан (29%), жониворлар, баклашка, латта ва ҳар хил маҳаллий аҳолидан чиққан чиқиндилар (18%) ташкил топганлигини инobatга олиб уларнинг қалинлиги (диаметри) бўйича ўлчаниб ўртача ўлчамла-



2-расм. Насос ғилофига тўнканинг кириб қолган ҳолати

ри аниқланди [4]. Ўлчаш ишларини бажариш вақтида Хамза -2 насос станциясидаги аванкамера олдида ўрнатилган махсус панжаралар олдида тўпланган оқизикларнинг тўплами олинди (расм-4) ва улар гуруҳларга ажратилиб, ўлчамлари махсус ўлчаш асбоблари ёрдамида ўлчаб аниқланди. Оқизикларнинг ўлчамларини ўлчаш натижасида олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, оқизикларнинг асосий қисмининг қалинли-

ги 20 мм дан 60 мм гача (49% гача) бўлиб ва узунлиги бўйича 201мм дан 600 мм гача бўлганлари энг кўп учраши (57% гача) аниқланди [4]. Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, панжаралар олдида тўпланиб қолган оқизикларни тозалаб олиб ташлаш учун тозалаш қурилмасининг параметрларини тўғри танлаш ҳамда қурилманинг ишлаш жараёнини такомиллаштириш талаб этилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тавсиялар асосида насос станциясига ўрнатилган панжаралар олдида тутиб қолинган оқизикларни тозалаб олиб ташлаш учун биз томондан модернизация қилинган махсус қурилма таклиф этилди (расм-5). Модернизация қилинган қурилманинг янгилигига FAP 20110066 рақамли патент олинди [5].

Бу қурилманинг афзаллик томонларидан бири сувда оқиб келаётган оқизикларни панжаралар олдида катта ҳажмда тўпланиб қолишини олдини олади. Бу жараёнда махсус темир йўл релсида ҳаракатланувчи машинага ўрнатилган қурилма, панжаралар олдида тўпланиб қолган оқизиклар тўпламини махсус тишлари ёрдамида қамраб олиб, юқорида олиб чиқади ва чуқурга олиб бориб ташлайди. Бу усул билан панжара олдида тўпланиб қолган оқизиклар тозаланганда каналдаги сув сатҳининг кўтарилиб кетишининг ва ҳамда панжараларга катта куч тушишининг олди олинади. Натижада, панжаралардан фойдаланиш даражаси ошиб, бузилиш (эгилиш, қийшайиш) эҳтимоллиги камайди [3].

Бу қурилманинг биринчи варианты тайёрланиб Хам




3-расм. Хамза - 2 насос станциясидаги панжараларни тозалаш машинаси

за-2 насос станциясига ўрнатилди ва синаб кўрилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики қурилма қўйилган талабларга жавоб бериши билан бирга, бир кўтарилишда панжаранинг бутун майдонини тозалаш, шу билан бир вақтда панжаранинг тик ўрнатилган пластиналари орасидаги турли хил ўлчамдаги оқизикларни чиқариб олиб ташлаш имконини беради.

Хулоса. Насос станцияларида олиб борилган кузатув ишлари натижасида насос агрегатларини ишдан чиқиши асосан чўкинди ва сув юзасида сузувчи қалқувчи жисмлар-оқизикларнинг механик таъсирлари натижасида содир бўлиши аниқланди. Оқизиклар таркиби асосан қамиш пояси ва илдизи, дарахт шохлари ва илдижларидан, жониворлар, баклашка, латта ва ҳар хил маҳаллий аҳолидан чиққан чиқиндилардан ташкил топган. Ўлчаш ишларини бажариш вақтида Хамза-2 насос станциясидаги аванкамера олдига ўрнатилган махсус панжаралар олдига тўпланган оқизикларнинг тўпла-



4 - расм. Хамза-2 насос станциясида оқизикларни тутиб қолувчи панжара олдида тўпланиши



1-балка; 2-қамрағич; 3-қамрағич тишлари; 4-махсус тешик; 5-ўқ; 6-пастки қамрағич; 7-кронштейн; 8-ўналтириғич; 9-тақсимлағич; 10-бошқарув тизими; 11-пўлат арқон; 12-лебёдка;

5-расм. Оқизикларни тозалаш қурилмасининг таклиф этилаётган варианты

ми олинди (расм-4) ва ҳар бири гуруҳларга ажратилиб уларнинг ўлчамлари махсус ўлчаш асбоблари ёрдамида ўлчаб аниқланди. Олинган маълумотлар оқизикларнинг диаметри 20 мм дан 60 мм гача (49% гача) ва узунлиги 201мм дан 600 мм гача (57% гача) бўлганлари энг кўп учрашини кўрсатди. Панжаралар олдида тўпланиб қолган оқизикларни тозалаб олиб ташлаш учун тозалаш қурилмасининг параметрлари тўғри танланиб, ишлаш жараёни такомиллаштирилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 21 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли қарори.
2. Карелин В.Я., Новодережкин Р.А. Насосные станции гидротехнических систем с осевыми и диагональными насосами.-М.: Энергия, 1980,-288 с.
3. Полонский Г.А. Механическое оборудование гидротехнических сооружений.—Учебник для техникумов.—Изд. 3-е, перераб. И доп. М.: Энергоиздат, 1982—352с.
4. Эргашев Р.Р., Жовлиев Ў.Т. Оқизик ўлчамларини ўрганиш// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнал,-Тошкент, № 1-2013 й.- б.77.
5. Гловацкий О.Я.,Эргашев Р.Р.,Бекчанов Ф.А.,Тошматов Э.,Жовлиев Ў.Т. Оқизикларни тутиб қолувчи панжараларни тозалаш қурилмаси // FAP 20110066, 29.02.2012й. Бюл.№2

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

*Чориев Қ.А. - проф., Султанов Б. - и.ф.н.,
Қишлоқ хўжалиги иқтисоди илмий тадқиқот институти.
Юнусов И. - катта ўқитувчи.
Тошкент ирригация ва мелиорация институти*

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланган, хусусан соҳани модернизациялаш, инновацион маҳсулот ва ишланмалар татбиқ этиш асосида ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўламини янада кенгайтириш, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини, шунингдек, хўжалик юритиш субъектларининг даромад олиш имкониятларини оширишга бевосита катта таъсир кўрсатувчи мелиорация тадбирларини ташкил қилиш ва самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларининг муҳим жиҳатлари ёритилган.

Abstract

In the article it is described that sustainable development of agriculture is defined by some factors such as branch modernization, inculcating of innovative issues in production, extending the spectral of output production in agriculture, increasing the yields of crops and the productivity of cattle breeding, as well as it is showed the influences of measures on land reclamation in increasing the opportunities of farm subjects for getting a profit. Including, it is devoted to scientific-methodical bases of evaluation of effectiveness.

Аннотация

В статье отмечается, что стабильное развитие сельского хозяйства определяются такими факторами как модернизация отрасли, внедрение инновационных разработок в производство, расширения спектра выпускаемой продукции в сельском хозяйстве, увеличение урожайности культур и продуктивности животноводства, а также показано влияние мероприятий по мелиорации земель в повышении возможностей повышения хозяйствующих субъектов в получении прибыли. Освещены научно-методические основы оценки эффективности.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ошишида ердан фойдаланиш маданиятини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш шакллари такомиллаштириш муҳим тадбирлардан ҳисобланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Энг аввало қайд этиш лозимки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнининг асосий омили ҳисобланган ер майдонидан оқилона, унумли ва самарали фойдаланишни ташкил этмасдан туриб, тармоқда самарадорликни ошириш мушкул бўлса, иккинчидан, ердан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер майдонларининг тутган ўрни, аҳамияти ва унга мансуб бўлган хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ёндашишни талаб этади.

Илмий ва махсус адабиётларда умуман ердан, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига яроқли ҳамда суғориладиган ерлардан фойдаланиш, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ер майдонларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мезонлари хусусида турли фикр, таклиф ва тавсиялар билдирилмоқда.

Бир гуруҳ олимлар ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлашда муайян ер майдонлари кўрсаткичларини ўзаро таққосланиши лозимлигини таъкидлашса, бошқалар ер майдонига мутлоқ баҳо берилиши лозим, деган фикрни билдиришмоқда. Яна бир бошқа гуруҳдаги олимлар эса, ердан фойдаланиш самарадорлиги даражасини аниқлашда, энг аввало ер майдонининг таққосланган шароитдаги унумдорлиги даражасини ҳисобга олиш даркорлиги ғоясини илгари сурмоқдалар.

Айрим олимлар бунда ер майдонининг иқтисодий

баҳоси асос бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлайдилар.

Бизнингча, бу борадаги фикрларнинг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш ва таклиф ҳамда тавсия сифатида амал қилишга ҳақли.

Фикримизча, ушбу ғояларнинг мақсад ва моҳият жиҳатдан умумийлиги қуйидагилардан иборат:

– биринчидан, қишлоқ хўжалигида мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасига ва ишлаб чиқариш муносабатларига мос келадиган ер майдонларидан фойдаланишни таъминловчи муносабатларни шакллантириш;

– иккинчидан, бозор муносабатлари ва иқтисодий қонунлари шароитида ер майдонларини иқтисодий баҳосини аниқлаш;

– учинчидан, турли мулк шаклидаги хўжаликларда қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларидан, биринчи навбатда суғориладиган ерлардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлик индикаторлари тизими ва таснифини аниқлаш ҳамда самарадорликни аниқловчи мезонларни белгилаш;

– тўртинчидан, ҳудуд, тармоқ ва минтақалар бўйича ердан фойдаланиш ҳисобига олинадиган соф фойда миқдорини ҳисоблашнинг услубий асос ва ёндашувларини аниқлаштириш, шунингдек, айрим соҳа тармоқлар бўйича махсус ёки ўзгача – мураккаб интеграциялашган усулларни ишлаб чиқиш;

– бешинчидан, турли сифатдаги ерларда хўжалик юритиш пайтида сарф қилинадиган ҳаражатларнинг қопланиши даражасини аниқлаш ва бошқалар.

Юқорида билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ерни баҳолаш ва улардан фойдаланиш самара-

1-жадвал.

2011-2014 йиллар мобайнида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларга сарфланган маблағларнинг ўзгариш динамикаси таҳлили *

(млрд. сўмда)

| т/р | Тадбирларнинг номланиши | Жами 2011-2014 йилларда | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2014 йил 2011 йилга нис., % |
|-----|---|-------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|-----------------------------|
| 1. | Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш | 412,5 | 80,5 | 83,5 | 115,4 | 133,1 | 165,3 |
| 2. | Таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари | 389 | 77,0 | 90,5 | 103,4 | 118,1 | 153,4 |
| 3. | Лизинг асосида мелиоратив техникалар, машина ва механизмларни етказиб бериш | 99 | 20 | 25,7 | 24,3 | 29,0 | 145,0 |
| 4. | Сақлаш ва буюртмачининг бошқа харажатлари | 7,1 | 1,2 | 1,5 | 1,9 | 2,5 | 2,1 марта |
| | ЖАМИ: | 907,6 | 178,7 | 201,2 | 245,0 | 282,7 | 158,2 |
| | Лизинг асосида етказилган жами техникалар сони | 780 | 203 | 192 | 204 | 181 | 89,2 |

дорлигини аниқлашда ернинг сифат жиҳатдан қиёсловчи омилларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, ерни баҳолаш мезони сифатида ерларнинг мелиоратив ҳолатини ҳам эътиборга олиш, хусусан тупроқнинг механик ҳамда агрохимёвий таркиби қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ва сифат жиҳатдан юқори унумдорликка эга бўлмас экан, бошқа ҳар қандай тадбирлар ва қилинган харажатлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошира олмайди. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалик экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга оширишнинг омилли мантиқий асослари ўзаро боғлиқлик ва уйғунлик кўринишида амалга оширилиши лозим (1-расм).

Маълумки, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларининг асосини коллектор-дренаж тизимларини қайта тиклаш, янгиларини қуриш ташкил қилади. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари доирасида тасдиқланган Давлат дастури бўйича 2011-2014 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларга жами 907,6 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. 2014 йил 2011 йилга нисбатан 158,2% кўп маблағ ажратилганлигини кўриш мумкин. Жами маблағларнинг асосий қисми мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилишга 412,5 млрд.сўм, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларига 389 млрд.сўм сарфланган (1-жадвал).

Ердан фойдаланиш самарадорлиги даражаси турли омиллар таъсирида ўзгарадиган миқдор ҳисобланиб, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари орқали намоён бўлади. Бунда, энг муҳим шарт таққослаш мумкин бўлган


бошланғич шароитни яратиш лозим. Масалан, унумдорлиги, сифати, механик ва агрохимёвий таркиби ёки жойлашган ўрни жиҳатидан турли ер майдонлари турлича самарадорлик кўрсаткичларига эга бўлади. Шу жиҳатдан ҳам ер майдонлари турлича мақсад ва йўналишларда баҳоланади.

Бинобарин, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва фермер хўжаликларининг даромадларини кўпайтириш масаласини ечишда, биринчи навбатда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали тупроқнинг табиий ҳамда иқтисодий унумдорлигини таъминлаш истиқболда ҳам устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, бу муҳим вазифани мунтазам равишда ҳал қилиб бориш нафақат оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш механизмларини жорий қилиш, балки шу асосда маҳсулотларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш борасида ҳам катта аҳамиятга эга.

Бироқ, шу ўринда таъкидлаш лозимки, илмий адабиётларни ўрганиш асосида олиб борилган тадқиқотларимиз натижаларининг гувоҳлик беришича, мелиорация тадбирларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатига таъсир этиш даражасини баҳолаш ва аниқлаш бўйича ягона фикр ва услубий асослар мавжуд эмас. Албатта, бунинг асосий сабаби бу муаммонинг кенг қирралиги ва мураккаблигига бориб тақалади. Чунки, қишлоқ хўжалигида бир ишлаб чиқариш жараёни (цикли)да тегишли барча ресурслардан уларнинг ҳар бирининг ишлатилиш муддати ва технологияси асосида фойдаланилиши сабабли муайян бир омилнинг, масалан, мелиорациянинг етиштирилган маҳсулот сифатига таъсирини аниқлаб бўлмаслиги табиий ҳолдир. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, бу масалани илмий асосланган тарзда ечиш учун тегишли ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасалари томонидан кўп йиллик тажриба-синов ишларини олиб бориш лозим бўлади.

Уларни, фикримизча, икки ҳолат (вариант)да ташкил қилиш мумкин. Биринчи вариантда бир экин тури экилган ва мелиорация ишлари бажарилмаган айнан муайян

* Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.



1-расм. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тadbirlarini амалга оширишнинг омилли асослари **

экин майдони тажриба объекти сифатида танлаб олинади ва унда аввалги, масалан 3 йилда, танланган экин тури маҳсулотини сифат жиҳатдан характерловчи кўрсаткичлар тизими қиёслаш учун бирламчи база қилиб олинади. Кейинги босқичда айнан шу экин экилган, танланган майдонда, масалан 3 йил мобайнида, мелiorация тadbirlari амалга оширилиб, аввал ҳар бир йил бўйича танланган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари, сўнгра эса уларнинг 3 йиллик умумлаштирилган ўртача кўрсаткичлари аниқланади.

Иккинчи вариантда мелiorациянинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатига таъсир даражасини аниқ ҳисоблаш учун бир хил экин экилган икки ва ундан кўп майдонлар танлаб олинади ва бунда уларнинг бири, яъни мелiorацияланмаган майдон назорат қилиш мақсадида қолдирилиши лозим. Қолган майдонларда тегишли мелiorация тadbirlarini амалга ошириш талаб қилинади ва бошқа барча омил (шароит)ларнинг бир хил даражада сақланиши шарт ҳисобланади. Аммо, мелiorация тadbirlarining бир неча йиллар давомида натижа беришини инобатга олиб, энг камида 3 йиллик кўрсаткичлар асос қилиб олинади мақсадга мувофиқ.

Ва, ниҳоят, ҳар иккала вариантда ҳам 3 ёки унданда кўп йиллик тажриба-синов ишларининг маҳсулот сифати билан боғлиқ натижалари мелiorацияланмаган ва мелiorация тadbirlari амалга оширилган майдонлар бўйича қиёсий таҳлил ёки эксперт ўтказиш усуллари ёрдамида ўрганилади ва тегишли ҳисоб-китоб ишлари ба-

жарилади.

Лекин, шуни айтиш ўринлики, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳар бир турига мос сифат кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари миқдор жиҳатдан аниқланса, айримлари эса бошқа ўлчов бирлигида аниқланади. Шу боисдан ҳам, мелiorациянинг маҳсулот сифатига таъсир даражасини баҳолашда мелiorация тadbirlari ўтказилган майдонда етиштирилган маҳсулот (масалан, пахта хом ашёси) сифатини аниқлаш имконини берувчи ҳар бир кўрсаткич (масалан, тола нави, тола узунлиги, ингичкалиги ва майинлиги, толанинг узилиш оғирлиги каби) лар мелiorацияланмаган майдонда етиштирилган айнан шу маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига нисбати топилиб, улар индекс ёки коэффициентларда ифодланади. Ҳисоб-китобларнинг якуний босқичида, тажриба-синов ишлари ўтказилган ва ўтказилмаган майдонларда етиштирилган муй-ян бир маҳсулот турига мос ва хос сифат кўрсаткичларининг умумлашган нисбий индекслари аниқланади.

Масалан, пахтачилик тармоғида пахта хом ашёсининг асосий сифат кўрсаткичлари бўлиб ғўза нави, толанинг сорти, саноат типи, узунлиги, ингичкалиги ва майинлиги, ранги ва толанинг узилиш оғирлиги (пишиқлиги), битта кўсақдаги чигитнинг оғирлиги ва ёғлилик даражаси каби кўпгина бошқа кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга. Бундан кўриниб турибдики, биргина пахта хом ашёси сифатининг мелiorация таъсиридаги ўзгаришини аниқлаш учун жуда кўплаб сифат кўрсаткичлари иштирокидаги ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш талаб этилади. Маълумки, ҳар бир ғўза навининг ўзида тола бир неча сорт ва саноат типларига, улар эса ўз навбатида яна ўзларига хос тола узунлиги, пишиқлиги (узилиш оғирлиги) каби кўрсаткичларга эга.

Пахта хом ашёсини сифат кўрсаткичларига асосан баҳолаш бўйича и.ф.д., профессор Н.Хушматов томонидан тавсия этилган услубий ёндашиш диққатга сазовор. Жумладан, мазкур олим томонидан "ғўза навлари толаси сифат кўрсаткичлари бўйича коэффициентини ҳисоблашда ғўза навлари толаси саноат типи, тола микронайр кўрсаткичи, тола шпатель узунлиги, толанинг нисбий узилиш кучи каби кўрсаткичлар асосида ҳар бир навга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш коэффициентлари ҳисоблаб топилди. Бунда ҳар бир навни толасининг алоҳида сифат кўрсаткичлари бўйича ҳам ва шунингдек, умумий тола сифат кўрсаткичлари бўйича умумлашган кўрсаткич бўйича ҳам баҳолаш имконини берувчи ҳисоб-китоблар амалга оширилди" (1).

** Муаллиф томонидан тузилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, проф. Н. Хушматовнинг ушбу йўналишдаги тадқиқот ишининг мақсади пахта хом ашёсининг ғўза навлари бўйича умумлашган сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни ўзаро таққослаш бўлиб, таҳлил доирасига жами 21 та ғўза навлари киритилган. Биз олиб борган тадқиқот ишининг мазкур масаладаги асосий мақсади эса, айнан шу услубий ёндашиш ёрдамида, мелиорация омилининг маҳсулотлар сифатига таъсир даражасини аниқлаш бўлганлиги сабабли мисол тариқасида фақат 3 та ғўза навлари бўйича тола сифатини белгилловчи асосий кўрсаткичлар ва тегишли ҳисоб-китоблар асосида топилган умумлашган сифат кўрсаткичи даражасини келтириш етарли деб ҳисобланди. Шунинг билан бирга, масалан, пахта толасининг умумлашган сифат кўрсаткичи қайси ғўза навида юқори бўлса, уни сотишдан олинadиган иқтисодий самарадорлик ҳам (агар айрим объектив ва субъектив сабаблар таъсир этмаса) мос равишда шунча юқори бўлади.

Биномарин, муайян бир маҳсулот тури бўйича мелиорация омилининг шу маҳсулотни етиштириш ҳажми, сифати ва иқтисодий самарадорлигига таъсир даражасини, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мелиорация қилинмаган ва мелиорация ишлари бажарилган экин майдонларидан олинган натижаларни ўзаро таққослаш йўли билан аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун ҳам, фикримизча, жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган экологик тоза маҳсулот етиштириш билан боғлиқ инновацион ишланма ва маҳсулотларни республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида ҳам кенг татбиқ этиш лозим. Ушбу жараёнда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар даражасида экологик мувозанатни таъминлайдиган кичик дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Буларга авваламбор тупроқ эрозияси билан кураш, органик ўғитларни қўллаш, илмий асосланган экинлар алмашлаб экиш тизимини жорий этиш, агроўрмон мелиорацияси, техник экинлар мелиорацияси, тупроқни ҳимояловчи технологиялар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг экологик усуллари, қора шудгор кабиларни киритиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари экологик мувозанати бузилишининг яна бир кўриниши бу сув эрозияси билан боғлиқдир. Кўпгина ҳолатларда сув эрозияси экинларни суғориш пайтида сувни керагидан ортиқча йўналтириш ва уни назоратсиз қолдириш оқибатида юзага келмоқда.

Эрозияга қарши чора-тадбирларни самарали юритишда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик корхоналарида суғоришни режалаштириш ва суғориладиган майдондаги ер ости сувларини меъёردа сақлаш учун экинларнинг сувга бўлган талабини аниқлаб бориш зарур. Ўз вақтида суғориш ишларини олиб бориш ҳосилнинг катта қисмини сақлаб қолишга имконият яратади. Бунинг учун фермер хўжаликларининг вегетация даврида сувга бўлган талабини ҳисобловчи тензиометрлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан биргаликда, юқорида таъкидланганидек, замонавий илғор суғориш усуллари ва технологияларини жорий этиш ҳамда бу йўналишда давлатнинг қўллаб-қувватлаш механизмининг шакллантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни мунтазам равишда амалиётга татбиқ қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу йўл билан тупроқ эрозиясига қарши курашга йўналтирилган капитал

қўйилмалардан фойдаланишда юқори иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида экологик мувозанатга эришиш экологик-иқтисодий самарадорлик билан биргаликда улкан ижтимоий самарани ҳам беради. Бу авваламбор биологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулоти истеъмолини кўпайтириш, сув ва ер ресурслари ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш натижасида аҳоли саноатлигининг яхшиланишида кўринади.

Умумий ҳулоса қилиб айтганда ҳозирги вақтда ер ҳолатининг ёмонлашуви, тупроқ табиий унумдорлигининг пасайиш суръатлари экологик чора-тадбирларни олиб бориш суръатларидан юқори ҳисобланади. Экологик мувозанатни сақлаш ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни жадаллаштириш экологик самара билан биргаликда сезиларли иқтисодий фойда олиш имконини беради.

Шу сабабдан ҳам, фикримизча, республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг экологик муаммоларини ҳал этишда илмий асосланган экинларни алмашлаб экиш тизимини тубдан ўзгартириш ва татбиқ этиш билан бир қаторда имкон даражасида маъдан (минерал) ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари ўрнига органик моддалар ва биоресурслардан кенгроқ фойдаланиш чора-тадбирларига устуворлик бериш мақсадга мувофиқ. Зеро, экинларни алмашлаб экишнинг илмий асосланган схемаларини ҳар бир экин майдонининг мелиоратив ҳолатини эътиборга олган ҳолда ташкил қилиш талаб этилади. Бу агротехника тадбирининг муҳимлиги нафақат экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулотлар сифатини яхшилашда, балки хўжалик юритиш субъектларидан ортиқча ҳаражат талаб қилмасдан, уларнинг даромад олиш имкониятларини кенгайтириш билан ҳам боғлиқдир.

Жумладан, академик М.Мухамеджановнинг маълумотларига кўра, экинларни алмашлаб экиш тизимида беда ўсимлиги алоҳида ўрин тутаяди. Зеро, “беда суғорма деҳқончилик ерларининг унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида энг самарали экинлардан бўлиб ҳисобланади. Унинг илдизларида пайдо бўладиган туганаклар атмосферадан табиий (биологик) азот моддаларини ўзлаштириш хусусиятига эгалиги натижасида 3 йиллик беда 1 га ерни 1,0-1,5 тонна биоазот ўғитига бойитади. Беда илдизларида миколетик бактериялар ва триходермларнинг шаклланиши ва ривожланиши ғўза ҳосилдорлигига жиддий зиён етказадиган касалликлар, айниқса вилт, илдиз чиришининг олдини олишда муҳим рол ўйнайди. Ўзининг бақувват ва чуқур жойлашган илдиз тизими ёрдамида беда катта миқдордаги органик моддалар ва гумус (чиринди) (гектарига 40-50 ва ундан ҳам ортиқ тонна) тўплаш хусусиятига эга бўлиб, бу ўз навбатида тупроқнинг физик хоссалари ва таркибини яхшилайдиган, сизот сувларини пасайтиради ва натижада экин майдонларининг шўрланишини кескин камайтиради” (2).

Тегишли ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари томонидан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, “тупроқ қатламини органик моддалар билан бойитиш учун пахта экилган майдонлардаги ғўзапояларни аввал маҳсус техника воситалари ёрдамида майдалаб далага сегиб, кейин уни ерни чуқур ҳайдаб тупроқнинг пастки қатламига кўмиш лозим. Майдаланган ғўза пояларини ернинг чуқур қатламига

жойлаштириш органик ўғитларни кўпайтириш захираси ва манбаи (гектарига 6-8 тонна) сифатида ҳам муҳим агротехник тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро, бу тадбир азот ўғитини меъёр даражасида ишлатиш билан биргаликда тупроқ таркибида гумус (чиринди) моддаларининг пайдо бўлиши ва тўпланишига имконият яратади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ерни майда ғўза поялари билан кўшиб ҳайдаш миқдор жиҳатдан ерга солинадиган 23% азот, 35% фосфор ва жами органик ўғитлар ўрнини босадиган агротехник тадбир бўлиб ҳисобланади.

Ғарбий Европа давлатларида ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб асосан органик ўғитлардан фойдаланиш ва дуккакли экинлар экиш (шу жумладан сидерация учун) орқали кимёвий воситаларсиз экинларни парваришларнинг биологик деҳқончилик деб номланувчи тизими кенг жорий этилиб келмоқда. Бу тизим асосида етиштирилган маҳсулотлар кимёвий воситалар қўллаш орқали олинган

маҳсулотларга нисбатан 10-15% қиммат сотилади” (3).

Хулоса. Мелиорация тадбирларининг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги, маҳсулотлар сифати ва, энг муҳими, ишлаб чиқариш самарадорлигига кўрсатадиган ижобий таъсир даражасини баҳолаш ва ҳисоблаш учун юқорида асослаб берилган ва тавсия этилган илмий-назарий ва услубий-амалий ишланмалар муҳим аҳамиятга эга. Зотан, уларни амалиётга татбиқ этиш нафақат умумтармоқ миқёсида, балки айниқса деҳқончилик тармоқларида, шунингдек, хўжалик юритиш субъектларида амалга ошириладиган мелиорация тадбирларининг иқтисодий-ижтимоий, агротехник, биологик, экологик ва бошқа кўпгина йўналишларга боғлиқ самарадорлигини комплекс баҳолаш имкониятини яратадики, бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни самарали амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Хушматов Н.С. Фермер хўжаликларида ер ва сувдан самарали фойдаланишни ташкил этиш. – Т.: “Фан”– 2007. – 15 б.
2. Мухамеджанов М. В ответе за землю.- Т.: Меҳнат, 1987. (48-с).
3. Юнусов И.О., Сатторов О.Б. Фермер хўжаликларида суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳатлари// Ж.: Агро илм, 2015.- № 2-3(34-35). – Б. 97-98.
4. Отақулов Т. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жараёнида лизинг хизматларининг ўрни ҳам тобора ошмоқда// Халқ сўзи газетаси, 2015 йил 20 ноябрь сони.

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Ҳасанов Ш., и.ф.н., доцент,
Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти

Аннотация

Мақолада мамлакатда сув ресурсларининг тақчиллиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиш учун унинг миқдорини ошириш имкониятлари етарли эмаслиги таъкидланган. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашга қаратилган амалдаги методологияларга қўшимча дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янги суб-вектор самарадорликни аниқлаш методологияси тўғрисида фикр юритилган. Суб-вектор самарадорликни DEA (маълумотлар муҳити модели) модели асосида ҳисоблаш ифодалари акс эттирилган. Ушбу методология асосида Самарқанд вилояти мисолида сув сарфи ва самарадорлик ўртасидаги боғлиқлик очиб берилган ва хулосалар берилган.

Abstract

In this paper mentioned scarcity of water resources in the country, also incredible for extend volume of water resources in agricultural use. Highlighted an about new methodology - sub vector efficiency for define efficiency of water resources in base international studies. Sub- vector efficiency calculation on DEA model introduced. By current methodology have been analyzed and concluded correlation between water use and water efficiency in case of Samarkand province.

Аннотация

В статье отмечается недостаточность водных ресурсов в стране, а также не имеется возможности расширить объём водных ресурсов для сельскохозяйственного использования. На основе международного опыта подчеркивается новая методология – суб-вектор эффективности для определения эффективности использования водных ресурсов. Даны выражение для расчета суб-вектор эффективности на основе модели DEA. Подтверждены, что существует сильная корреляция использования воды и эффективность вводимых ресурсов на примере Самаркандской области.

Маълумки мамлакатимиз иқтисодий ривожланишини таъминлашда сув ресурслари муҳим аҳамиятга эга. Республикаимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида интенсив равишда фойдаланиш мумкин бўлган суғориладиган экин майдонлари миқдори ва салмоғининг жуда камлиги, яъни мамлакат бўйича 25,3 млн. га атрофидаги қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг фақатгина 4,3 млн. гектари (16,9 %) суғориладиган ерлардан иборатлиги, глобал иқлим ўзгариши туфайли сув танқислиги ортиб бориши башорат қилинаётган ҳозирги пайтда, айниқса келажақда, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини жорий этиш заруриятини ҳар доимгидан ҳам долзарб муаммолардан бирига айлантирмоқда. Айни пайтда деҳқончилик ҳудудларида йиллик ёғингарчилик миқдорининг камайиб бориши, чорва моллари сони ортиши баробарида ўрмон ва яйловлар деградацияси, тупроқ эрозияси юз бераётганлиги, лалмикор ҳудудлар деҳқончилигига қурғоқчилик катта зарар келтираётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари суғориладиган майдонлардан олинishi исбот талаб қилмайди.

Шу билан биргаликда сув ресурсларининг тақчиллиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиш учун унинг миқдорини ошириш имкониятлари мавжуд эмаслиги масалани янада мураккаблаштиради. Хусусан, Орол денгизи ҳавзасининг йиллик сув ресурслари ҳажми 116,5 км³ ни ташкил этадиган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида ушбу сувнинг фақатгина 15 фоизи атрофидаги қисми шаклланади. Мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқлари орқали йиллик ўртача 51 млрд. м³ истеъмол қилинади ва ушбу истеъмолнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Бинобарин, чекланган ре-

сурслар сифатида ернинг ҳам, сувнинг ҳам ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда истиқболда улардан оқилона фойдаланиш, ер унумдорлигини ошириш, сув сифатини яхшилашга қаратилган барча комплекс чора-тадбирлар мажмуаси қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш имкониятини яратади. Бу эса қишлоқ хўжалиги тизимида бозор иқтисодиёти тамойилларини тўла жорий этишни талаб этади.

Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишга салбий таъсир кўрсатаётган катта тўсиқлардан яна бири бу унумдор тупроқ қатламнинг бирламчи ва иккиламчи шўрланиши ҳисобланади. Жумладан, ҳозирда мамлакатдаги жами суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 2 млн гектари (46,6%) турли миқдорда шўрланган бўлиб, бу мазкур ерлардан олинishi мумкин бўлган ҳосилнинг 20% (кучсиз шўрланган) дан 75% (кучли шўрланган) гача бой берилишига олиб келади [1].

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида ҳар м³ сувнинг истеъмолчиларга етказиб бериш харажатлари 2014 йилда республикада ўртача 36,4 сўм, Самарқанд 21,1; Бухоро 77,0; Навоий 58,5 сўмни ташкил этган. 2014 йилда гектарига ўртача сув сарфи 9,5 минг м³ ни ташкил этгани ҳолда, 1 га учун фойдаланилган сувнинг харажатлари ўртача 345,8 минг сўмни ташкил этган. Аммо ҳозирги кунда суғориш учун сарфланадиган харажатлар давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади, фермерлар томонидан эса республикада ўртача 7,5 минг сўмни ташкил этган. Кўриниб турибдики, суғориш сувининг деярли текинлиги истеъмолчиларнинг сувни тежаб - тергаб ва юқори самара билан фойдаланишга қизиқиш уйғотмайди.

Қишлоқ хўжалигида суғориш учун ишлатиладиган сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда давлат аҳамияти даражасидаги вазифа бўлиб, ундан самарали фойдаланишнинг моҳияти - кам сув ре-

сурси бирлиги ҳисобига энг кўп маҳсулот олишдир. Кўпчилик олимлар ўз ишларида сувни бозор иқтисодиёти муносабатларидан келиб чиқиб фойдаланувчиларга сотишни таклиф қилишган. Уларда сувга баҳо беришда хўжаликларнинг сув олиш нуқтасигача сувни етказиб бериш учун давлат томонидан сарфланган харажатлардан келиб чиқиб, унинг эксплуатацион таннархига мос равишда белгиланиши кераклигини таъкидлашган. Шунингдек, бунда сувнинг сотиш баҳоси унинг таннархидан баланд бўлиб, иккаласи ўртасидаги фарқ сув хўжалиги тизимидаги корхонанинг фойдасини ташкил қилишини таъкидлашган. Жумладан, В.Духовний ва М.Пинхасовлар сувни баҳолашда 2 босқичли тарифдан фойдаланишини таклиф этишади ҳамда ўтказилган тажрибалар асосида гектарига ўртача 38,25 \$/га тўланиши лозимлигини таъкидлашади. Аммо улар экин турларидан гектаридан олинадиган даромаднинг 5-7 % сув учун тўловлар ташкил этгани ҳолда ушбу тўлов гектарига экин турлари бўйича гектарига 110 \$/га бўлишини таклиф этишган [2]. Ушбу ҳолатда қишлоқ хўжалигида истеъмолчилар сув ресурслардан самарали фойдаланишга ўтади ҳамда бу бозор иқтисодиёти принципларига мос келади. Демак, ушбу фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларининг ҳақиқий баҳосини топишдан кўзланган мақсад, уни чекланган ресурс сифатида қадрлаш, самарали фойдаланишдир.

Ҳозирда мавжуд тадқиқот методологиялар асосида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ва уни баҳолашда натижа - самара сифатида 1 га суғориладиган майдондан олинган ҳосил ёки даромад, 1 м³ сарфланган сув ҳисоби яратилган маҳсулот ёки даромад (тушум, фойда) қаралади. Албатта, ушбу услубда ҳисоблаш қулай, аммо ишлаб чиқариш жараёнида сув ресурсларидан ташқари иш кучи, ўғит ва бошқа капитал ресурслар иштирок этади. Бошқача айтганда, фермер хўжаликларидан 1 га майдондан олинган ҳосил ёки даромадда бошқа омиллар улуши кўп ёки оз бўлиши мумкин.

Демак, бунда барча ишлаб чиқариш омилларининг иштирокини биргаликда қарайдиган тизимли ёндашувни талаб этади. Ушбу тизимли ёндашувни DEA методологияси орқали амалга ошириш мумкин. Ушбу маълумотлар тўплами асосида ишлаб чиқариш функцияси қуриладиган методологиялар орасида Маълумотлар Муҳити Таҳлили (DEA) модели ҳозирги кунда анча энгил ҳисобланади. Дастлаб Чарнес томонидан [3] 1978 йилда асос солинган ушбу методология фаннинг турли соҳаларида кенг қўлланилиб келмоқда. “Маълумотларга асосланган” ушбу методологиянинг қулайлиги камроқ илмий фаразларни талаб қилишидир. Нопараметрик ёндашув асосида қишлоқ хўжалигида умумий ва айрим турдаги экинлар ёки ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишга доир илмий ишлар дунёнинг барча минтақаларида амалга оширилмоқда.


Бошқача айтганда, кўпроқ иқтисодиёт ва бошқарув соҳаларида қўлланиладиган ушбу тизимли ёндашув, барча ишлаб чиқариш ресурслари ва олинадиган натижаларни биргаликда ҳисобга олган ҳолда корхоналар самарадорлигини ҳисоблайди. Ушбу методология бўйича алоҳида ресурс самарадорлигини ҳисоблаш имконини берувчи - суб-вектор самарадорликни сув ресурсларидан фойдаланиш мисолида топиш мумкин. Алоҳида ресурс самарадорлигини аниқловчи-суб-вектор самарадорлик ишлаб чиқаришдаги жами ресурслар тўпламининг ичидаги фақатгина “суб-тўплам” га кир-

ган ресурс самарадорлигини аниқлайди. Бунда ишлаб чиқаришга киритилган бошқа ресурслар ва натижани ўзгармас дея қарайди. Дастлаб “суб-вектор” самарадорликнинг назарий жиҳатлари Фэре ва бошқалар [4] асарида учраса, қишлоқ хўжалигида амалиётида эса Оуде Лансинк ва Силвалар [5] асарларида пестицидлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланган. Айнан, суғориладиган майдонларда сув ресурсларидан фойдаланишнинг суб-вектор самарадорлигини ҳисоблаш яқиндан бошлаб илмий ишларда пайдо бўлиб, буни Спилман ва бошқаларнинг [6] Жанубий Африка фермер хўжаликлари мисолидаги илмий ишида кўриш мумкин. Таъкидлаганимиздек, Фэре томонидан илгари сурилган суб-вектор самарадорлик куйидаги ифодани ечиш орқали топилади:

$$\min_{\theta, \lambda} \theta^k; \quad \text{st} \quad -y_i + \gamma \lambda \geq 0; \quad \theta^k x_i^k - X^k \lambda \geq 0; \\ x_i^{n-k} - X^{n-k} \lambda \geq 0; \quad N^T \lambda = 1; \quad \lambda \geq 0.$$

Бунда, θ^k - i -фермер хўжаликнинг k ресурси суб-вектор самарадорлиги коэффиценти. Иккинчи чекловдаги X_i^k ва X^k лар ишлаб чиқариш тўпламига фақатгина k ресурсни қўшса, учинчи чекловдаги X_i^{n-k} ва X^{n-k} лар эса аксинча матрицадаги X_i ва X лардан k -ресурсни (устун) ҳисобламайди. Ушбу ифодадаги 1-чеклов i -фермер хўжаликнинг ишлаб чиқариши мавжуд тўпلامда ичида бўлади. 2 ва 3 чекловлар эса тўпلامдаги k ресурсдан бошқа ресурслар ва олинган натижа (маҳсулотлар) лар ўзгармас ҳолатида, самарадорлик коэффиценти (θ^k) максимал қиймати учун k ресурсни имкон қадар камайтиришни ифодалайди. 4-чеклов $N^T \lambda = 1$ қавариқ бўлиш шarti бўлиб, модел VRS ишлаб чиқариш технологияси шароитида қўлланилишини кўрсатади, яъни “унумдорлик пасайиш қонуни”га асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сарфланган ресурсларнинг 1 бирлик ортиши, маҳсулот бирлигини пропорционал равишда 1 бирлик ортиши билан тенг эмасдир. Албатта сўнгги чеклов бу мусбат бўлиш шartидир, λ эса $N^T 1$ нинг ўзгармас вектори ҳисобланади.

Техникавий ва суб-вектор самарадорликларнинг DEA методологияси асосида 2 ресурс ва 1 натижа мисолидаги график тасвири 1-расмда акс эттирилган. Бунда i -фермер хўжалик ишлаб чиқариши A нуқтада жойлашиб, ишлаб чиқариш тўплами ичида имкон қадар ресурс сарфини камайтириш чорасини кўради. F_1 ва F_2 фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш тўпламида самарали хўжаликлар бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари нуқтаси узлуксиз чизиқ орқали бирлаштирилган. Кўриниб турибдики, A нуқтада хўжалик самарали



1-расм. DEA методологиясида суб-вектор самарадорликни ҳисоблашнинг графика тасвири [5]

ишлаб чиқаришга эга бўлиши учун ўзининг ишлаб чиқариш ресурс сарфини камайтириб, лойиҳадаги A^0 нуқтага кўчиши керак. Демак бу ерда A нуқтанинг умумий техникавий самарадорлиги қуйидаги кесмалар ўртасидаги нисбатга тенг бўлади: $\theta=0A^0/A$.


X_1 ресурснинг суб-вектор самарадорлиги эса X_2 ре-

да олинган самарадорлик коэффициентлари ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд (2-расм). Пахта хом-ашёси етиштиришда сув ресурсларидан республикамиз шароитида тавсия этилган меъёрларда (5500-6000 м³) фойдаланган хўжаликларда самарадорлик коэффициентлари 1 га яқин, аксинча гектарига кўп сув ишлатган фермер хўжаликларида самарадорлик пасайганлигини кўриш мумкин.

Хулоса.

1. Сув ресурслари самарадорлигини аниқлашда янги-ча ёндошув бўлиб, тадқиқот модели республика кишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бажарилган илмий ишларда учрамайди.

2. Ушбу моделда дастлаб барча ишлаб чиқариш омилларининг



2-расм. Сувдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари

сурс сарфи ва натижа (маҳсулот) ўзгармаган ҳолатида имкон қадар X_1 ресурс сарфини камайтирганда вужудга келади. Расмда бу A нуқта лойиҳалаштирилган A' нуқтага кўчганда ва суб-вектор самарадорлик коэффициенти: $\theta^1=0'A'/0'A$ кўринишида ифодаланади.

Тадқиқот ишида сувдан фойдаланишнинг суб-вектор самарадорлигини ҳисоблаш икки босқичда амалга оширилади. Дастлаб стандарт DEA моделида умумий самарадорлик DEAP ёки EMS дастурий таъминотлари орқали амалга оширилса, суб-вектор самарадорлик GAMS [7] ёрдамида ҳисоблаш имкони мавжуд.

Самарқанд вилоятида пахтачиликда гектарига сарфланган сув ресурсларидан фойдаланиш ва модел-

нинг иштирокини биргаликда қарайдиган тизимли ёндошув -Маълумотлар Муҳити Таҳлили (DEA) методологияси орқали корхоналарнинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги аниқлайди, иккинчи босқичда эса қолган ўзгармас деб қараб ҳар қўшимча сарфланган бир ресурс самарадорлигини аниқлашга қаратилган.

3. Ушбу ёндошув, яъни суб-вектор самарадорлик - ҳар бир қўшимча сарфланган 1 м³ сув ҳисобига олинadиган қўшимча маҳсулот қийматини аниқлаш имконини беради ҳамда сув истеъмолчиларидан мавжуд сув ресурсининг ҳар бир томчисидан оқилona фойдаланишга ундайди.

Адабиётлар

1. Узоқов, П.ва бошқалар, Тупроқшунослик. Самарқанд, “Н.Доба”.- 2013, бб. 351-368.
2. Dukhovny, V.A., Pinkhasov, M.M., Financial and Economic Instruments. Integrated water resources management: putting good theory into real practice. Central Asian experience. Chapter-5.8, 279-298 pp, 2009
3. Coelli T.J., Rahman S., Thirtle C. Technical, Allocative, Cost and Scale Efficiencies in Bangladesh Rice Cultivation: A Non-parametric Approach. Journal of agricultural economics 53(3), 607-626, 2002.
4. Färe, R., Grosskopf, S., Lovell, C.A.K., Production Frontiers. Cambridge University Press, Cambridge, 1994.
5. Oude Lansink A., Silva E. Non-Parametric Production Analysis of Pesticides Use in the Netherlands. Journal of productivity analysis 21, 49-65. , 2004.
6. Speelman S., D’ Haese M., Buysse J., D’ Haese L. A measure for the efficiency of water use and its determinants, a case study of small-scale irrigation schemes in North-West Province, South Africa. Agricultural Systems 98: 31–39, 2008
7. Kalvelagen, E. efficiently solving DEA models with GAMS. [http:// www.gams.com/_erwin/dea/dea.pdf](http://www.gams.com/_erwin/dea/dea.pdf). 2004.

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТИШДА ВИРТУАЛ ТАЖРИБА СТЕНДЛАРИНИ ҚўЛЛАШ

Норов Б.Х. - т.ф.н., доцент,
Бабажанов Л.Қ. - ассистент.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Мақола техник олий таълим муассаларида лаборатория машғулоти учун виртуал лаборатория стендларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. Унда “Мелиорация ва қурилиш машиналарини таъмирлаш” фанидан лаборатория ишини бажариш бўйича услубий кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда виртуал стенд, унинг ишчи ойналари, функционал тугмалари тавсифлари келтирилган. Виртуал стенд “Гидромелиоратив ишларини механизациялаш” кафедрасида олиб борилган илмий-тадқиқот иши асосида олинган ва апробациядан ўтган илмий натижалар асосида тайёрланган бўлиб, талабалар томонидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, масофадан ўқитиш, лаборатория машғулотларини ишлаб чиқариш шароитларига яқинлаштирилган ҳолда ўтказишга имконият яратади.

Abstract

The article is devoted to the peculiarities of the development and use of virtual laboratory stands for higher technical educational institutions. It shows the characteristics of the virtual stand, desktops and function keys, taking into account guidelines for laboratory works on discipline «Repair reclamation and construction machinery.» Virtual stand prepared on the basis of the proven scientific results and performance of scientific - research work at the department «Mechanization of irrigation and drainage works», will allow for the scientific - research work of students, distastionnoe training and laboratory work in the approximate production conditions.

Аннотация

Статья посвящена особенностям разработки и использования виртуальных лабораторных стендов для высших технических учебных заведений. В ней приведены характеристики виртуального стенда, рабочих столов и функциональных кнопок с учетом методических указаний по выполнению лабораторных работ по дисциплине «Ремонт мелиоративных и строительных машин». Виртуальный стенд подготовлен на основе полученных и апробированных научных результатов выполненных научно – исследовательских работ на кафедре «Механизация гидромелиоративных работ», позволит проводить научно - исследовательские работы студентам, дистанционное обучение и лабораторные работы в приближенных производственным условиям.

Машиналарни таъмирлаш ишлаб чиқариш жараёнида машина деталларининг ўртача 40–50% таъмирталаб ҳисобланиб, уларни тиклаш хажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Техника воситалари қисмларини таъмирлаш ва тиклаш корхоналари ассоциацияси (The Automotive Parts Remanufacturers Association (APRA)) маълумотларига қараганда ривожланган мамлакатларда қайта тикланадиган деталларнинг умумий ҳиссаси эҳтиёт қисмлар умумий ҳажмининг 30–35% ни ташкил этади. Ушбу ассоциация 24 октябр 1941 йилда Р.А.Ван Аллен ва Гарри Лестер томонидан ташкил этилган бўлиб, Америка ва Европа бўлимларининг таркибига 30 га яқин машинасозлик, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари уюшмалари аъзо бўлиб, биргина двигател ва қурилмаларни таъмирлаш уюшмасига (Motor & Equipment Remanufacturers Association (MERA)) 54 та компания аъзо бўлиб, уларнинг ичида Atsco Remanufacturing Inc, CNH Reman, Cummins Inc, Precision Parts & Remanufacturing Co, Robert Bosch, LLC, Volvo Trucks N.A, REMACK ва Volvo Reman кабиларни мисол қилиш мумкин. Мисол учун Cat Reman компаниясида деталларни тиклашда уларнинг техник кўрсаткичларини янги деталниқига етказиш учун экологик тоза ва дифференциаллашган технологиялар қўлланилади [1,2].

Ҳозирги кунда машиналарни таъмирлаш жараёнида қўлланиладиган технологик жиҳозларни такомил-

лаштириш ва тиклаш технологияларини модернизациялаш бўйича қатор илмий марказлар ва илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда.

Республикаимиз қишлоқ ва сув хўжалиги олий ўқув юртларида механизациялаштириш таълим йўналишларида зарурий касб малакаларини шакллантириш учун лаборатория машғулотларининг хизмати беқиёс ҳисобланади. Лаборатория машғулоти ўтишдан мақсад талабада фан бўйича амалий кўникма ҳосил қилишдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига яқин шароитларда ўтказиш талаб қилинади. Соҳага кириб келаётган юқори унумдорли техникалар, машиналарни таъмирлаш ва деталлари ресурсини тиклаш соҳасининг жуда жадал ривожланиб бориши сабабли техник олий таълим муассасалари доимий равишда ўз моддий техник базасини янгилаб бориш, жараёнларда қўлланилаётган жиҳоз ва воситалар тўғрисида тушунча ва амалий кўникмаларни тўлақонли ўқитиш имконини чеклаб қўймоқда.

5450300–Сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш таълим йўналишида “Мелиорация ва қурилиш машиналарини таъмирлаш” фани ишчи дастурида машина деталлари ресурсини тиклаш технологияларини ўзлаштиришга салмоқли ўқув соатлари хажми ажратилган. Ҳар бир лаборатория машғулоти тиклаш жараёнида қўлланиладиган технологик жиҳозлар, улар билан ишлашда техник хавфсизлиги қоидала-

ри билан танишиш, тикланаётган деталлар нуқсонларини аниқлаш, нуқсонларни тиклаш каби иш жойларидан ташкил топади [3]. Ҳар бир лаборатория машғулоти моддий – техник жиҳозлаш учун замонавий технологик жиҳозлар учун кўплаб миқдорда маблағ талаб қилинади. Бу эса бир таълим муассасасида бир тажриба машғулоти олиб бориш имконини яратади. Шу боис ривожланган хорижий давлатларда тажриба машғулотларини виртуал стендларини яратиш ва улар асосида лаборатория машғулотларини ўтиш оммавий тус олган.

Виртуал стендлар – ҳақиқий технологик жараёни ахборот ва мультимедиа воситалари ёрдамида намойиш этиш ва жараёни бошқаришни амалга ошириш имкони мавжуд дастурий маҳсулот бўлиб, у:

-техник ва технологик соҳа таълим йўналишларида ўқув режаларидаги фанларни ўтиш;

-талабалар томонидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

-масофадан ўқитиш имконини ошириш;

-лаборатория машғулотларини ишлаб чиқариш талаблари асосида ўтказиш кабиларга имконият яратади.

Виртуал стендлар информацион-моделли тизимли дастурларда амалга оширилиб, у дастурий-қурилмалли комплексни ташкил этиб:

-ўқитувчи иш жойи;

-ўқувчи иш жойи;

-тизим сервери (маълумотлар базаси);

-дистанцион иш жойидан ташкил топади.(1-4 -расм)

Виртуал стенд “Гидромелиоратив ишларини механизациялаш” кафедрасида олиб борилган илмий-тадқиқот иши асосида олинган ва апробациядан ўтган илмий натижалар асосида тайёрланиб [5], унинг ёрдамида:

-илмий изланишлар асосида олинган натижаларни таълим жараёнига қўллаш;

-ёшларни ихтирочиликка йўналтирилган фаолият самарадорлигини таъминлаш;

-соҳа бўйича янгилекларни таълим жараёнига интенсив олиб кириш;

-уларда касбий малака ва кўникмаларини шакллантириш;

-ёшларда миллий ғурур каби юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш;

-таълим соҳасида янги илғор педагогик технологияларни жорий этиш ҳамда рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда уларда амалий кўникмалар ҳосил қилиш имкони яратилади.

Виртуал тажриба стенди бош ишчи ойнаси функционал тугмалари ости маълумотлари изоҳи қуйидагича:

Кириш – машиналарни таъмирлаш соҳасининг ҳозирги куни ва истиқболлари баён этилган.

Фойдаланиш тартиби – виртуал тажриба стендидан фойдаланиш тартиби баён этилган.

Фан тараққиёти – машиналарни таъмирлаш ва деталлар ресурсини тиклаш соҳасида илғор, истиқболли технологиялар ҳамда жаҳон тажрибаси баён этилган.

Электромеханик усулда тиклаш – “Пружиналар ресурсини қайта тиклаш” лаборатория машғулоти доирасида иш жойини ташкил этиш ва ишни бажариш тартиби, виртуал тажриба қурилмасидан фойдаланиш тартиби баён этилган.

Термомеханик усулда тиклаш – “Пружиналар ресурсини қайта тиклаш” лаборатория машғулоти доирасида иш жойини ташкил этиш ва ишни бажариш тартиби,



1-расм Виртуал тажриба стенди бош ишчи ойнаси виртуал тажриба қурилмасидан фойдаланиш тартиби баён этилган.

Муаллифлар ҳақида – виртуал стендни ишлаб чиқишда иштирок этган ва илмий изланиш натижаларидан кенг фойдаланилган муаллифлар тўғрисида қисқача маълумотлар баён этилган.

Ўқитувчи иш жойи – ўқитувчининг лаборатория ишини ташкил этиш, олиб бориш, жараёни бошқариш ва талабалар билимини назорат қилиш тартиби баён этилган.

Ўқитувчи ишчи ойнаси функционал тугмалари ости маълумотлари изоҳи қуйидагича:

Назорат ойнаси – гуруҳ талабалари рўйхати, уларни босқичма-босқич назорат қилишни бошқаради. Назорат тест шаклида “S-test” амалий дастуридан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Талаба учун топшириқлар– талаба шифридан келиб чиққан ҳолда унга тикланиши лозим бўлган пружина параметрлари кўрсатилган топшириқни белгилайди.


Методик қўлланма ва кўрсатмалар – лаборатория иши бўйича зарурий кўрсатма ва тавсиялар баён этилган саҳифани бошқаради.

Масофавий таълим – онлайн тарзида лаборатория ишини бажариш тартибини белгилайди.


Таълим технологияси – ўқитувчига лаборатория ишини виртуал стенд ёрдамида олиб бориш учун тавсиялар саҳифасини бошқаради.

Талаба иш жойи – талабанинг лаборатория ишига тайёрланган кўриш, технологик жараён билан танишиш, лаборатория иш жойлари бўйича белгиланган топшириқларни бажариш тартиби баён этилган.

Талаба ишчи ойнаси функционал тугмалари ости



2-расм. Пружиналарни термомеханик усулда тиклаш виртуал тажриба стенди ишчи ойнаси



3-расм. Пружиналарни термомеханик усулда тиклаш виртуал тажриба стенди ўқитувчи иш жойи

маълумотлари изоҳи қуйидагича:

Назарий таълим – лаборатория машғулотининг назарий маълумотлар мажмуи келтирилган бўлиб, талаба мустақил равишда ўзлаштиради ва жорий тест синовини мувафаққиятли топширган тақдирда кейинги босқичга ўтишига имкон яратилади. Барча натижалар ўқитувчи иши ойнаси “Назорат” бўлимида акс этади.

Талаба учун топшириқлар – лаборатория машғулоти бўйича талабага унинг тартиб рақами ёки шифри бўйича топшириқ олиш саҳифасини очади.

Методик қўлланма ва кўрсатмалар – лаборатория иши бўйича зарурий кўрсатма ва тавсиялар баён этилган саҳифани бошқаради.

Тиклаш технологияси – лаборатория иши бажариш жараёнида танланган усул бўйича пружинани тиклаш технологияси билан танишади. Бунда технологик жараён функционал тугмалар шаклида тайёрланган бўлиб, ҳар бир операция видеофильм тарзида намойиш этилади. Айрим элементлар мультимедиа воситалари ёрдамида баён этилади (операцияни бажаришда қўлланиладиган технологик жиҳозлар). Талаба мустақил

равишда ўзлаштиради ва жорий тест синовини мувафаққиятли топширган тақдирда кейинги босқичга ўтишига имкон яратилади. Барча натижалар ўқитувчи иши ойнаси “Назорат” бўлимида акс этади.


Лаборатория ишини бажариш – талаба бевосита виртуал шароитда лаборатория машғулоти иш жойларини бажаради. Бунда пружина нуқсонларини аниқлаш тартиби, пружинани тиклашга тайёрлаш, пружина ўрамаларига электро-термомеханик ишлов бериш, пружинани синаш каби операцияларни мультимедиа воситалари ёрдамида, тажриба қурилмасининг виртуал намуналарида бажариш имкони яратилади.

Талаба жараёнларни бажариши босқичлари ўқитувчи иши ойнаси “Назорат” бўлимида акс этади.


Масофавий таълим – онлайн тарзида лаборатория ишини бажариш тартибини белгилайди.

Лаборатория машғулотида қўлланиладиган қурилмаларнинг виртуаль намуналари икки ва уч ўлчамли графика ёрдамида махсус амалий дастурлар ёрдамида бошқарилади.

Масалан, пружиналарни электромеханик тиклаш



4-расм. Пружиналарни термомеханик усулда тиклаш виртуал тажриба стенди талаба иш жойи



1-ролик; 2-вилка; 3-гайка; 4-цилиндр; 5-қопқ; 6-планка; 6-втулка

5-расм - Пружиналарни электромеханик тиклаш усулида пружина ўрамасига ишлов берувчи роликли мослама уч ўлчамли кўриниши

мослама виртуаль намунасини тайёрлашда қуйидагича кетма-кетлик амалга оширилган:

1. Мослама деталлари ишчи чизмалари икки ўлчамли графикада тайёрланади.
2. Мосламанинг йиғма чизмаси тайёрланади.
3. Мослама деталлари уч ўлчамли графикада чизмаси тайёрланади.
4. Мосламанинг уч ўлчамли графикада йиғма ҳолати тайёрланади (5-расм).
5. Пружина ўрамасига ишлов беришда мосламанинг ҳаракатланиш схемаси танланади ва унга зарурий бошқарув ва ҳаракатланиш имконияти берилади.

Виртуал стендлар аввало илмий тадқиқот натижалари ҳамда янги технологиялар бўйича талабаларда зарурий кўникмаларни ҳосил қилиш имконини яратади. Чунки ҳар бир виртуал тажриба стендлари шу соҳада илмий – тадқиқот ишлари олиб борган ҳамда жараённи

амалий дастурлар зиммасига юклаш, ҳар бир талаба учун турли ўлчамдаги детал бошланғич кўрсаткичларини, тиклаш технологик жараёнларини видео, мультимедиа воситаларидан фойдаланилган ҳолда виртуал тажриба стендларининг таркибий элементларини танлаш имконини яратади.

Хулоса. Виртуал стенд илмий изланишлар асосида олинган натижаларни таълим жараёнига қўллаш, ёшларни ихтирочиликка йўналтирилган фаолият самарадорлигини таъминлаш, соҳа бўйича янгиликларни таълим жараёнига интенсив олиб кириш, уларда касбий малака ва кўникмаларини шакллантириш, ёшларда миллий ғурур каби юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, таълим соҳасида янги илғор педагогик технологияларни жорий этиш ҳамда рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда уларда амалий кўникмалар ҳосил қилиш имконини яратади.

тўла усулида пружина ўрамасига ишлов берувчи роликли изоҳлаш имконига эга бўлган мутахассислар ёрдамида тайёрланиб, лаборатория машғулоти ташкил этишда танланган тиклаш усуллари, қурилмалари ва технологик жараёнлари тавсия этилиши виртуал стендлар ишлаб чиқишга қўйилган талабларга тўла жавоб беради.

Ишлов бериш режими танлашда ҳисоб китобларни

Адабиётлар:

1. <http://www.apra.org/> Техника воситалари қисмларини таъмирлаш ва тиклаш корхоналар ассоциацияси (The Automotive Parts Remanufacturers Association (APRA)) сайти.
2. <http://www.mera.org/Membership/Member-Companies> Двигател ва қурилмаларни таъмирлаш уюшмаси (Motor & Equipment Remanufacturers Association (MERA)) сайти.
3. “Мелиорация ва қурилиш машиналарини таъмирлаш” фани ишчи ўқув дастури. – Тошкент, ТИМИ, 2015 й.
4. Норов Б.Х. Машина ва механизмларда қўлланиладиган пружиналар ресурсини электро-темомеханик усулда тиклаш технологиясини модернизациялаш: Техн. фан. номз. учун. дисс.. – Тошкент, 2011. – 144 б.
5. Б.Х.Норов ва бошқалар. “Мелиорация ва қурилиш машиналарини таъмирлаш фанидан виртуал тажриба стендини тайёрлаш ва машғулот ўтиш технологияларини инновацион жорий этиш” мавзусидаги ҚҲИ-4-001-2015 сонли грант бўйича оралиқ ҳисобот. – Тошкент, 2015 й. – 70 б.

ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КАСБИЙ-АҲЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Ҳакимова М.А. - катта ўқитувчи.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Ушбу мақолада жамиятимиз ривожига ҳал қилувчи куч бўлган билимли, интеллектуал ривожланган замон билан ҳамнафас фикрлайдиган кадрлар ва уларга қўйиладиган талаблар ҳақида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассис кадрлари касб ахлоқидаги ўзига хосликлар ҳақида, шарқона қарашлар ва деҳқончилик одоби, шу билан бирга замонавий мутахассис мулоқоти ва бошқарувдаги ўзига хосликлар, сўзлашув одоби, кийиниш маданияти, ўзини тутати билишига эътибор қаратилган.

Abstract

This article is about knowledgeable, intellectuality developed specialists who have up to date thinking and that are the leading power of our society as well as requirements for them. Furthermore, eastern views on professional ethics, agricultural ethics, communication of modern specialists, peculiarities of management, such ethics, clothing culture and behavior principles are also spoken about.

Аннотация

В этой статье говорится об образованных, интеллектуально развитых, современно мыслящих кадрах, являющихся решающей силой развития общества. Здесь также уделяется внимание своеобразию профессиональной этики специалистов сельского и водного хозяйства, а именно восточным взглядам и земледельческим традициям современных специалистов к современным требованиям, культура речи, внешнего вид и поведения.

«Кадрларни танлаш чоғида, энг аввало, уларнинг сиёсий, ишчанлик, профессионал, ташкилотчилик фазилатларига, ташаббускорлигига, масъулиятни ўз зиммасига ола билишига асосий эътиборни қаратиш керак.»

Ислом Каримов.

Бугунги жамиятимиз ривожини учун белгиланган мақсадларга эришишда ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифаси доимо диққат марказимизда бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган туб ўзгаришлар, уларнинг ён-атрофдаги воқеаларга муносабати, дахлдорлик ҳисси, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик позицияси тобора ўсиб бораётганини таъкидлаш лозим [1].

Даврлар ўтиши жараёнида ишлаб-чиқариш, фан ва техника ривожланиб, ижтимоий меҳнат тақсимоли янада чуқурлашмоқда. Бу жараённинг узлуксиз давом этиши эса ўз навбатида, ҳар бири муайян ижтимоий функцияни бажарадиган янгидан-янги фаолият соҳалари пайдо бўлишига сабаб бўлади. Уларнинг соҳиблари эса шунга кўра муайян ижтимоий бурчларни бажара бошлайдилар. Мазкур бурч ва мажбуриятлар муайян ахлоқий қоидалар ва ҳулқ-атвор меъёрларида ўз аксини топди.

Хусусан, Республикаимизга малакали мутахассис кадрлар етиштириб беришда Тошкент ирригация ва мелиорация институти ўрнини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Институтда аграр соҳа мутахассислари тайёрланиб, улар Республикаимизнинг барча ҳудудларида ўз ўринларини топиб ўз соҳалари бўйича фаолият олиб бормоқдалар. Бу борада уларни касб ахлоқи ҳақида тўхталиб ўтилар экан, талабаларни ўқитишда уларнинг маълум касбий қоидаларини ўзига хос томонларини кўрсатиб ўтиш ўринлидир.

Бугунги кунда истеъмолимизга “дала маданияти” тушунчаси кириб келди. Бу биз учун янги тушунча эмас, балки аجدодларимизни деҳқончилик борасидаги асрлардан бери давом этиб келаётган анъаналарини ривожидир, яъни ер ва сувдан оқилона фойдаланиш Республикаимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни асосини

ташқил этади. “Қобуснома”да шундай фикрлар келтирилади: “Деҳқончиликка дуч келсанг, у ҳам жуда яхши хунардир, ҳар бирининг шартларини бажо келтир, токи ишинг ҳамини ривож топгай ва муродга етгайсан. ... Агар эҳмоқ ва ўрмоқ вақти бўлмаса, ҳамини ер ҳайдаб шудгор қилишдан ғофил бўлмагил. Кейинги йилнинг тадбирини шу йил қилгил. Экинни кучли ерга эҳкилки, агар еринг кучсиз бўлса, сенга фойда бермайди. Ҳамма вақт ерни тарбия қилгил ва деҳқончилик хунаридан баҳраманд бўлгайсан” [7].

Ижтимоий меҳнат тақсимоли меҳнатнинг маълум тури билан банд бўлган кишилар гуруҳларининг ихтисослик жиҳатдан ажралиб чиқишига асос солди. Маълумки, ихтисослик гуруҳларнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида вужудга келгани йўқ. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг муттасил ривожланиши натижасида дастлаб ихтисосларнинг кичик гуруҳи бўлган меҳнатнинг янада ихтисослашуви жараёнида улардан янги-янги ихтисосликлар ташқил топди.

Сув хўжалиги ишлаб чиқаришида илмий-техника тараққиётини бошқариш илмий-тадқиқод ва лойиҳа тадқиқод муассасалари тармоқлари орқали, сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари ва бошқарув аппаратининг кўп сонли контингенти ходимлари билан амалга оширилади. Бундай илмий-техника тараққиёти қатор ўзаро бир-бирига боғлиқ бўғинларни, илмий ғояларни ишлаб чиқишдан тортиб, уларни турмушда оммавий қўллашгача қамраб олади. Бу йўлда куйидаги диққатга сазовор босқичларни аниқ ажратиш мумкин: тадқиқодларни ташқил этиш ва бевосита янги ғоя ва тавсияларни, техник ечимларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш текширувлари ва янги ишларни синаб кўриш; сув хўжалиги илм-фан ва техника соҳасидаги янгиликларни кенг тарғибот ва ташвиқотини таъминлаш; кадрларни меҳнатнинг янги усулларига ўқитиш; ишлаб чиқаришга илм-фан ва техника ютуқларини бевосита тадбиқ этиш [9] каби жараёнлар ҳам

бугунги мутахассис кадрларига қўйиладиган талабларга айланиб улгурди.

Касбларнинг мавжудлиги кишилар ўртасидаги универсал касбий алоқаларнинг ўзига хос хусусиятларини пайдо қилади. Меҳнат объектига, меҳнат қуролларига, усул ва вазифаларига қараб, кишидан муайян турдаги ҳаракатларни, ритмларни, методларни, психологик реакцияларни талаб этадиган вазиятларнинг такрорланмас ўзига хослиги вуждуга келади. Ҳар бир касбнинг ўзига хос усули пайдо бўладики, инсон ўзининг субъектив туйғулар олами, интилишлари, ахлоқий фикри билан унга жалб бўлади.

“Ахлоқ - деб таъкидлайди Президент Ислон Каримов, - бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани. Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лафзини сақлайди, бировнинг ҳақида хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани халқи учун, жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди” [3].

Касбий ахлоқ ўз нуфузига, шон-шавкатига эга бўлиб, унинг баъзи ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳар бир ихтисослик ҳамда ўхшаш ихтисослик гуруҳлари учун қуйидаги асосий хусусиятларни кўрсатиш мумкин:

- мутахассислик ахлоқининг асосида касбий бурчни адо этиш;

- ҳар бир ихтисослик учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ахлоқий талабларнинг мавжудлиги;

- муайян талабларнинг бажарилиши ва маълум ихтисослик вакилларига қўйилган талаблар, қоидалар, урф-одатлар, майллар, таомилларнинг мавжудлиги.

Бу ўзига хос хусусиятларнинг барчаси, турган гапки, бир бутун умумий ахлоқий талаблар зарурлигини инкор этмайди балки, касбий ахлоқ мавжудлиги туфайли умумий ахлоқий йўл-йўриқлар такомиллашиб, қўшимча таъсир кучига эга бўлади.

Касб ахлоқининг мақсади меҳнат фаолияти объекти – инсонга муносабат бирор ихтисослик вакили бўлмиш ҳар бир киши онгига, руҳиятига қай тариқа сингши ва хатти-ҳаракатларида қай тариқа намоён бўлишини кўрсатишдан иборатдир.

Халқимизда шундай бир удум бор. Ҳар бир деҳқон ўзи етиштирган ҳосилни аввалидан авлоднинг катталарига ёки қўни қўшниларига “капсан” – ҳосилни намунасини беради. Бу билан у киши ўзи етиштирган ҳосилнинг мўл бўлганини, етилиб пишганини билдириш орқали анъаналарни давом эттиради. Бунинг мазмунида яна бир нарса борки, улуғлар фикрини билиш, қўни-қўшнилари ҳақи, ёру-биродарлар ҳамжиҳатлиги ифодаланади. Бу ҳолат ҳам деҳқонлардаги ўзига хос касбий одобнинг бир намунасидир.

Касб ахлоқи бурчни, мутахассислик ор-номусини, шон-шарафни, кадр-қимматни, маънавий покликни, садоқатни тушунишда объектив ва субъектив жиҳатнинг, ички ва ташқи жараённинг диалектик бирлигини янада чуқур англашга ёрдам беради. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» рисоласини шундай бошлайди: “Ахлоқ инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур” [8].

Барча қишлоқ хўжалиги тармоқларининг самарадорлиги, бизнинг иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигимиз, нафақат қишлоқ аҳли, балки бутун халқимизнинг моддий фаровонлиги, охир-оқибатда эса бозорларимизда нон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи қандай бўлиши, авваломбор, бебаҳо бойлигимиз бўлган ерларнинг унумдорли-

ги, уларнинг ҳолатини доимий равишда яхшилаб бориш билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда амалга оширган чора-тадбирларимиз натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилди.

Сизот сувлари оғир даражада, яъни 2 метргача юзага жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга, кучли шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга қисқарди[4]. Бу жараёнларнинг заминда қишлоқ хўжалиги мутахассис кадрларнинг салоҳияти юксалиб бораётганлиги ва Республикаимизда ўзига хос иш услуги юзага келганлигини акс эттиради.

Эндиликда Республикаимизда ишбилармон кишиларни тарбиялаш, уларни маълум талаблар даражасида бўлиши қандай талаблар асосида бўлиши кераклигига тўхталсак. Бизга маълумки, инсон энг аввало ташқи қиёфаси, кийиниш маданияти билан кўзга ташланади. Унинг баъзан кийиниш маданиятига, ташқи қиёфасига қараб қандай касб эгаси эканлигини ҳам дарҳол англаб оламиз. Шундай экан, ҳар бир касб эгаси ўзига хос ташқи қиёфага, кийиниш маданиятига эгадирлар, яъни «ўзига хос костюмда» бўладилар. Шунинг учун ҳам баъзи одамлар «ишбилармонлар кимлар?», деган саволга, ишбилармонликнинг моҳиятини билмасаларда «костюмдаги кишилар» деб жавоб берадилар. Бу фикрда ҳақиқат бор, албатта. “Инсон – ўзингга ўзинг ёрдам бер!”- деган эди Нитше. Чиндан ҳам сизга ягона ёрдам бериши мумкин бўлган одам бу – ўзингиз.

Бугунги кунимиз мутахассислари халқроо ҳамкорлар билан муомалага киришадилар. Бу ўз ўрнида жамоада ўз-ўзини тута билиш – хушбичим кийим, муомала маданияти ҳам, ўзгаларга ҳурмат билан муурожаат қилиш ҳам аҳамиятлидир. Муомала маданияти касб ахлоқининг муҳим жиҳатидан биридир. Бугунги кун мутахассисига қуйидаги талаблар қўйилмоқда [9]:

- ўзини ўзи бошқариш қобилияти;
- оқилона шахсий қадриятлар;
- шахсий мақсаднинг аниқлиги;
- ўз устида мунтазам ишлаш;
- муаммоларни ҳал қилиш малакаси;
- ихтиросчилик, янгиликка қизиқиш;
- атрофдагиларга таъсир ўткази олиш;
- бошқарув илми бўйича замонавий билимлар;
- қўл остидагиларга иш тажрибаларини ўргатиш;
- меҳнат жамоасини шакллантириш ва ривожлантириш каби.

Муомала – кишилар билан муносабат, сўзлашув ва шунингдек, иш, хизмат ва барча соҳалар билан алоқаларни ифода этувчи тушунча. Муомала- инсоннинг социал фаоллигини кўрсатувчи бир кўзгудир. Муомалада инсоннинг ички дунёси, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари намоён бўлади. Муомала кўп қиррали: унда иқтисодий, сиёсий, эстетик, ахлоқий, касбий ва бошқа хусусиятлар акс этади. Бироқ инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, қандай даражани эгаллашига, қайси ёшда бўлишига қарамай муомала маданиятига эга бўлмоғи заруратдир. Чунки инсон ана шу муомаласи билан ҳам ҳаётнинг гултожиси ва мўъжизасидир. Шундай экан, инсон ана шу муомала маданиятини ёшлигидан эгалламоғи, шакллантирмоғи шартдир. Энг гўзал муомала лутф-қарамдир. Алишер Навоий бундай муомалани “муомалапарвоз” деб атаган. Ҳалқимизда одамлар билан тўғри, оқилона муомала қила билиш маданият, олижаноблик, деб ҳисобланади.

Агар сиз ўзингиздан катта ёшдагилар даврасида бўлсангиз, тенгдошларингизга нисбатан ўзингизни сипороқ, диққатлироқ тутинг.

Қадамингизни дадил ва шахдам босинг. Лекин қўлларни силкитиш асло ярамайди, катта қадам ташлаш шарт

эмас. Энг яхши усул – ўртача ҳаракат ва тўғри қадди-қомадир.

Ўриндикда ўтирганда унга ястаниш ёки жуда четида ўтириш, суяниб олиш ярамайди. Ўтираётганда ёки тураётганда шовқин кўтариш керак эмас.

Сухбатлашаётганда ёнга ёнбошламасдан ёки суянчиққа суянмасдан, тўғри ўтириш зарур. Сухбат чоғида бошни кўлга тираб ўтириш хунук кўринади. Бу ҳолат зерикканликни ёки чарчаш белгисини англатади.

Кўлни кўкрак устида чалкаштириб туриш мумкин, лекин бу сухбатни тўхтатиш хоҳишини ёки сухбатдошга нисбатан норозиликни англатади.

Бошни чўзиш ёки елкаларни кўтариш тажанг вазиятни, ёки ўз ўй-фикрлари билан бандлик ҳолатини англатади.

Сухбатдошга мойилликни билдириш учун бошни сал эгиб ўтириш зарур. Бошни эгиш сухбатдошни диққат билан тинглаётганликни билдиради.

Муомала ахлоқидаги асосий талаблар: илтимос қилиш, узор сураш, маъқулламаслик, таклиф қилишларни ифода этиш. Шунингдек, ишбилармонликда вақтни қадрлашни ҳам унутмаслик керак.

Демак, бу ҳолатлар ҳар бир касб эгаси сингари қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассис кадрлари учун ҳам тегишлидир. Чунки етиштирган маҳсулоти ҳақида маълумот бериш, икки томонлама фойдали шартномалар тузиш, домий ҳамкорликни таъминлаш зарур. Бу борада тилни билиш, ҳамкор вакилнинг маданиятини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро муомалада умумий бир тушунарли тил мавжудки, бу табассумдир. Хориж мамлакатларидаги ҳаёт ва ишбилармонлик табиати бизникига ўхшамаслиги мумкин.

Шошилмасдан сўзлаш лозим. Чунки хорижлик ҳамкорларингиз нафақат сизни яхши тушуниши, балки талаффузингизга кўникишлари ҳам керак.

Масалан, агар кимдир саволингизга тўғри жавоб бермаса, бу уларнинг саволингизга тўғри жавобни билмаслигини англатмайди. Шунчаки, улар сизнинг саволингизни тўла тушунишмаган бўлиши мумкин.

Ҳазиллашиш ҳам унчалик маъқул эмас. Хорижлик ҳамкорларингизнинг маданий ҳаётида сиз қилаётган ҳа-

зил бутунлай ўзгача маъно касб этиши мумкин. Аслида ишбилармонлик учрашувларида муваффақиятли ҳазил энг катта санъат ҳисобланади. Аммо маданияти ва анъаналари турлича бўлган мамлакатларда ҳазил ҳам турлича мақомга эга эканлигини унутмаслик лозим.

Шундан сўнг бошқалар кўнглидаги гапларни англай олишни ҳам ўрганиш даркор. Ҳамкорларингизнинг сизнинг фикрингизга бўлган муносабатларини уларнинг юз қиёфаси, овози ва ҳаракатларидан билиб олиш мумкин. Аввало ҳамкорларингизнинг ишбилармонлик тажрибаси, салоҳиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш лозим. Бутун инсониятнинг умумий бир тили мавжуд, бу ҳам бўлса самимий табассумдир.

Яхши муносабат қоидаларига бағишланган кўп жилдли асариде америкалик ёзувчи Алиса Цой «Ўзингнинг обрўингни сақла, ўзингдан паст маданиятли кишиларга ўхшама. Эсингда бўлсин, сен ундан либосинг, қадди-қомадинг, ҳатти – ҳаракатинг ва одобинг билан устун бўлишга ҳаракат қил» деб ёзган. Айнан ўз обрўсини сақлашни ҳис этиш туйғуси ҳар бир касб эгасини ўз бурчларини сифатли адо этишга, истеъмолчиларни алдамасликка, улар билан ахлоқ талабларига кўра хушмуомалалик қилишга, ўзини ёмон йўллардан қайтаришга ва ташқи қиёфасини яхшилашга ҳамда жамиятнинг бошқа талабларига итоат қилишга мажбур қилади. «Ахлоқшунослик» фанини ўқиш орқали талабаларда касбга муҳаббат, ўз касбидаги улуғликни қадрлаш, касбга ҳурмат тушунчаларни бойитиш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолади.

Хулоса. Инсон маънавий маданиятининг асосий мезони – ахлоқий етуклик ҳисобланади. Ахлоқий етуклик эса – ўзида ҳалоллик, инсофлилик, виждонлилик, саҳоватпешалик, шафқатлилик, меҳрибонлик сингари ахлоқий фазилатларни мужассам этади. Шундай экан, муомала маданиятининг асосий мезонини яхши хулқ ва гузал фазилат уйғунлиги ташкил этади. Шунини қайд этиш лозимки, инсонийликни энг муҳим хусусиятларидан бири, унинг ўзини яшаши, турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга эканлигидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон. 2015.
2. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Президент Исломи Каримовнинг Ўзбекистон маърузаси. Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2015й.
3. Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва муттафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” конференциясидаги нутқ. // Халқ сўзи, 2014 йил 16 май.
4. Каримов И.А. “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” конференциясидаги нутқ // Халқ сўзи, 2014 йил 9 июнь.
5. Президент Исломи Каримовнинг “Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 2012 й.
6. Каримов И. А. Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т. : Ўзбекистон. Т.3 – 2008й.
7. “Қобуснома”. Ўқитувчи. Тошкент. 1968й.
8. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Тошкент: Ўқитувчи, 1932й.
9. Умурзоқов Ў.П., Абдурахимов И.А., Сув хўжалиги менежменти. Тошкент. Иқтисод-Молия. 2008.2-жилд.

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВНИ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛА- РИГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғоришда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга, хусусан қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғоришда сувни тежайдиган суғориш технологияларни қўллашни кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги вазифалар тўғрисида 2015 йилнинг йилнинг 17 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ахбороти эшитилди. Ахборот соҳада амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Ўтган йиллар давомида 1,5 минг километрдан ортиқ каналлар, 211 км лоток тармоқлари, 400 дона йирик гидротехник иншоотлар, 200 дондан ортиқ насос станцияларида реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилди ва сув истеъмолчиларининг 260 минг донага яқин сув олиш жойлари жиҳозланди.

Сув тежамкор техника ва технологияларни жорий этишни ташкиллаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади ва унга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Замонавий суғориш технологияларини жорий этиш борасида ўтган йиллар давомида йўналишда республика бўйича 18,5 минг гектар майдонга томчилатиб суғориш тизимини, 18,4 минг гектарга эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш тизимини, 16,3 минг гектарга эгатларга плёнка тўшаб суғориш усуллари жорий этилиб, самарали фойдаланиб келинмоқда. Ноанавий янги суғориш технологиялари бўйича субиригация, дискрет суғориш, полимер гидрогеллар ёрдамида суғориш, мулча ёрдамида суғориш, ёмғирлатиб суғориш, суспензия усулида суғориш ишлари олиб борилиб, турли тензометрлар ёрдамида суғоришни программалаштириш ҳамда бошқа йўналишларда амалий илмий дала тажрибалари олиб борилмоқда. Сув хўжалиги иншоотларининг ишончли фаолиятини таъминлашга йўналтирилган инвестициялар бўйича соҳани ривожлантиришга давлат капитал маблағлари ҳисобидан йилига қарийб 500,0 млрд. сўм, шунингдек эксплуатация харажатлари учун 1 триллион 700 млрд. сўм



йўналтирилаётгани ва унинг миқдорини сўнги 10 йил давомида 5 баробарга ортганини эътироф этиш лозим.

Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда давлат томонидан чет эл инвестицияларини ҳам жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия ривожланиш фонди, ОПЕК фонди, Қувайт фонди, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки каби йирик молия институтлари, шунингдек Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг Халқаро ҳамкорлик ташкилотлари ва агентликлари каби донорларнинг инвестициялари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сўнги 10 йил мобайнида соҳага умумий қиймати қарийб 1,5 млрд. АҚШ долларга тенг бўлган инвестиция маблағлари жалб этилди.

Сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш тадбирларини амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёсида йиллик фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдори мустақилликдан аввалги даврдаги 64 млрд. метр-кубдан ўртача 51 млрд. метр-кубгача ёки 20 фоизга камайтирилишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги мисолида кўриладиган бўлса, худди шу давр ичда 1 гектар майдонни суғориш учун сарфланган ўртача 18 минг кубометр сув, бугунги кунга келиб 10,5 минг кубометр бўлишига ёки 42 фоизга камайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3932-сонли Фармони ва унинг асосида Давлат дастурларини қабул қилиниши мамлакат ва соҳа учун ўта муҳим даврда қабул қилинган

Юқоридаги Президент Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Давлат дастури доирасида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти, “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси, мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган 49 та давлат унитар корхоналари ташкил этилди.

2008-2012 йиллар Давлат дастурининг ижросини таъминланиши натижасида соҳага 748 млрд. 700 миллион сўм маблағлар йўналтирилиб, 1450 дона юқори унумли замонавий мелиоратив техникалар етказиб берилди ҳамда лойиҳалар ҳудудида 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражада ушланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига ва барқарорлигини таъминланиши билан бирга кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 105 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2,0 метргача бўлган майдонлар 118 минг гектарга камайишига эришилди.

Олиб борилган кузатишлар, тадбирлар амалга оширилган лойиҳалар ҳудудида ўртача ҳосилдорлик пахта майдонларида 2,0-2,5 ц/га, ғаллада 2,5-3,0 ц/га ошганлигини кўрсатди.

Соҳада амалга оширилган тадбирларнинг самарадорлигини тўғри баҳолаган ҳолда келгусида ушбу ишларни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш



бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1958-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан:

- мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш дастурларини шакллантириш жараёнида ирригация объектлари билан комплекс равишда ёндошган ҳолда тайёрланиши;

- 2013 йилнинг май ойидан бошлаб мева-сабзавотчилик, узумчилик ва полиз маҳсулотларини етиштириш учун ер участкаларини бериш бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўртасида тузиладиган ижара шартномаларида, қоида тариқасида, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан томчилатиб суғориш тизимини ва сув тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш бўйича инвестиция мажбуриятларини олиш назарда тутилиши бўйича тартиб ўрнатилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда

2013-2017 йиллар даврида:

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқарилган;

- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган тадбирларни прогноз параметрлари;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштирилаётган ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш прогноз параметрлари ишлаб чиқарилган;

- Сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган суғориш тармоқларини таъмирлаш-тиклаш прогноз параметрлари;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг кредит ва ўз маблағлари ҳисобидан томчилатиб суғориш тизимини жорий этишнинг прогноз параметрлари ишлаб чиқилиб, маъқулланди.

Мазкур дастур билан белгиланган ишларни бажариш таъминлаш мақсадида 2013-2017 йиллар мобайнида республика бюджетидан қарийиб 2 триллион сўмдан ортиқ маблағлар ажратилиши режалаштирилиб, қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда:

- лойиҳалар ҳудудида 1 миллион 132 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатҳи меъёр даражада ушлаб турилиб, ерларнинг мелиоратив ҳо-

латини яхшиланишига ва барқарорлигини таъминланишига эришилиши ҳамда ушбу ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олдини олиш;

- лойиҳалар амалга ошириладиган каналларнинг фойдали иш коэффициентини 20 фоизгача ошириш ва 770 минг гектар суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти яхшиланиб, суғоришга бериладиган сувнинг йиллик ўртача 2 млрд 900 миллион метр куб иқтисод бўлиши ва 240 минг гектар майдонга кафолатли сув етказиб берилишини таъминлаш;

- сув хўжалиги эксплуатация, қурилиш ташкилотларининг ҳамда Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси бойитилиб, 1160 та янги иш ўринларини яратиш.

Бугунги кунга қадар мазкур қарор ижроси юзасидан 2013-2015 йилларда соҳага 720 млрд сўм маблағлар йўналтирилиб, қуйидаги тадбирлар амалга оширилди:

- 2575 км узунликдаги коллектор тармоқлари реконструкция қилинди ва қурилди;

- 36 минг 957 км узунликдаги очиқ ва 1 минг 564 км ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари таъмирланди ва тикланди;

- “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси орқали 477 дона замонавий мелиоратив техника ва механизмлар харид қилинди.

Шу билан бирга, 2013-2015 йилларда жами 890 км узунликда каналлар, 193 км лоток тармоқлари, 42 дона гидротехник иншоотлар,

25 км қирғоқ ҳимоя ишлари, умумий қуввати 32,9 м³/с бўлган насос станциялар, 48 км узунликда босимли қувурлар, 323 млн.м³ сиғимли сув омборларида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 545 минг гектар майдонларнинг сув таъминоти яхшиланиб, 844 минг гектар суғориладиган майдонлардан чиқиб кетаётган сизот сувларни тўсиқсиз чиқиб кетиши таъминланди, ўрта ва кучли шўрланган ер майдонлари 81 минг гектарга, ер ости сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 127 минг гектарга қисқариб, 636 минг гектар суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва барқарорлиги таъминланди.

Соҳада кадрлар малакасини ошириб бориш, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб амалиётга тадбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 39-сонли қарори асосида Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари билан биргаликда жойлардаги 26 та Қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларида малака ошириш курслари ташкил этилиб, 32 минг нафардан ортиқ Давлат дастурининг бажаришга жалб этилган ташкилотларнинг раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малака оширишлари таъминланди.

Олиб борилаётган ишлар билан биргаликда соҳада юқори натижаларга эришишни рағбатлантириш ва сув истеъмолчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган давр ичида 600 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 170 млрд сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиб, замонавий қишлоқ хўжалиги техника ва технологиялари сотиб олишга, интенсив боғлар, иссиқхоналар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини барпо этишга йўналтирилиб, 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, “Ўзмелиомашлизинг” компанияси ва бошқа Халқаро ташкилотлар томонидан сув истеъмолчиларига 60 донага яқин юқори унумли замонавий мелиоратив техникалар ҳамда 300 га яқин бошқа воситалар олиб берилиши таъминланди.

КУРС НА РЕАБИЛИТАЦИЮ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ АМУ-БУХАРСКОЙ ИРРИГАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ

**Хамраев Ш.Р. - к.т.н., старший научный сотрудник,
Мухаммадназаров Л. - Заместитель председателя Национального
комитета по ирригации и дренажу Республики Узбекистан**

Основными источниками орошения земель Узбекистана являются реки Амударья и Сырдарья. Ресурсы этих рек составляют 114 км³, при 90% обеспеченности составляет 90,6 км³. На территории республики формируется около 5,1 км³ стока бассейна реки Амударья и 6,7 км³ речного стока бассейна реки Сырдарья.

На орошение в Узбекистане расходуется около 90% располагаемых водных ресурсов, это составляет 51 км³, из них 80% используется в вегетационный период. Удельная водоподача на 1 га орошаемых земель составляет 10,0 тыс.м³, в том числе в вегетационный период 7,5 тыс.м³, а в невегетационный – 2,5 тыс.м³.

После приобретения независимости в республике началась огромная работа по диверсификации сельскохозяйственного производства. Если в начале 90-х годов прошлого века около 50% орошаемых земель занимал хлопок, а остальная часть использовалась для продовольственных нужд, в современных условиях доля хлопчатника в орошаемом земледелии составляет около 30%, резко уменьшены площади посевов риса, остальные орошаемые земли занимают менее влагоемкие зерновые, продовольственные и кормовые культуры, жизненно необходимые для населения. В результате чего водозабор по всей республике уменьшился с 64 до 51 млрд.м³ в год.

Благодаря пониманию социальной значимости ирригации и мудрой государственной политики в водохозяйственном секторе, Узбекистан за годы независимости сумел сохранить свой ирригационный потенциал – в отличие от многих других стран.

В 2003 году осуществлен переход от административного территориального принципа управления водными ресурсами к бассейновому принципу, что позволило обеспечить более эффективное, стабильное и равномерное распределение воды на всех уровнях.

Более чем на половине всех орошаемых земель – около 2,1 млн.га – вода подается при помощи насосных станций, общее число которых составляет более 1,6 тыс.шт. Большая часть насосных станций уже выработала свой ресурс. Установленная мощность всех насосных станций составляет 3709,5 млн.кВт, а ежегодно подаваемая вода насосными станциями на полив сельскохозяйственных культур составляет 28,8 млрд.м³. Ежегодные затраты на эксплуатацию всех государственных насосных станций составляют более 500 млн. долларов США.

В настоящее время по инициативе Президента Республики Узбекистан создан Фонд мелиоративного улучшения орошаемых земель, принята Государственная программа по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рационального использования водных ресурсов на период 2013-2017 гг., принято Постановление правительства о поэтапной замене насосного силового оборудования, изношенного и потерявшего свои параметры: подачу, напор и коэффициент полезного действия (КПД).

Для исполнения Постановления правительства под-

готовлен план мероприятий по поэтапному улучшению государственных насосных станций в ближайшие годы. Одним из них, вошедшим в план мероприятий, является реабилитация системы Аму-Бухарского машинного канала, являющегося одним из важнейших комплексов в республике.

Все поливные земли Бухарской области и частично Навоийской области орошаются из системы Аму-Бухарского канала. Общая площадь орошаемых земель составляет 315 тыс.га.

Аму-Бухарская ирригационная система строилась в три этапа:

- Аму-Каракульский канал с двумя насосными станциями «Алат» и «Каракуль» введен в эксплуатацию в 1962 году.

- 1-я очередь Аму-Бухарского канала с насосными станциями «Хамза» и «Кую-Мазар» - в 1965 году.

- 2-я очередь Аму-Бухарского канала с насосными станциями «Хамза-II» и «Кизил-Тепа» - в 1975 году.

Источником водозабора насосными станциями является река Амударья в районе г.Чарджоу на территории Республики Туркменистан. Протяженность подводящего канала составляет 20 км.

Отстойники, головное сооружение и часть подводящего канала находятся на территории Туркменистана. Общий объем забора воды из реки Амударья составляет 4,3-4,5 млрд.м³. Забираемая вода из реки содержит большое количество взвешенных наносов абразивного характера. К насосным станциям 1-го подъема подходит вода с абразивными наносами 5-7 кг/м³. На построенных насосных станциях с 1962 года по 1975 годы насосно-силовое оборудование изношено и теряет свои параметры.

Для осуществления гарантированной водопдачи на поливные земли в 1981-1985 гг. построены вспомогательные насосные станции «Алат» (1985 г.) и «Хамза» (1981 г.), плавучие насосные станции «Кую-Мазар», «Кизил-Тепа» (1982 г.). На всей системе Аму-Бухарского каскада насосно-силовое, электрическое и вспомогательное оборудование отработало свой срок службы и подлежит замене.

С выходом «Закона о безопасности гидротехнических сооружений» в Узбекистане комиссией, с представителями «Госводхознадзора», Министерства сельского и водного хозяйства, научных и проектных организаций были обследованы все крупные гидротехнические сооружения, водохранилища и насосные станции, эксплуатируемые в республике. После этого было принято Постановление Кабинета Министров «О мерах по повышению безопасности работы и надежности эксплуатации крупных и особо важных водохозяйственных объектов». В этом Постановлении были отражены цели и задачи реабилитации насосных станций Аму-Бухарской ирригационной системы.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 21.11.2013 г. №ПП-2073 «О

первоочередных мерах по реализации проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы» с участием Азиатского банка развития и поручения Кабинета Министров от 20 января 2014 г. №03/1-761 подготовлено ТЭО проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы» с участием Азиатского банка развития и проект постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по реализации проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы» с участием Азиатского банка развития.

25 сентября 2013 года Совет Директоров Азиатского банка развития (АБР) одобрил предоставление Республике Узбекистан для реализации проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы» займов из льготных ресурсов Азиатского банка развития в сумме 30,535 млн. со сроком погашения 25 лет, включая 5-летний льготный период, и из обычных ресурсов АБР в сумме 174,0 млн. долларов США со

сроком погашения 25 лет, включая 7-летний льготный период; вклад Республики Узбекистан в реализацию проекта составляет в эквиваленте 64,46 млн. долларов США, из них в виде предоставления налоговых льгот и таможенных платежей 46,00 млн. долларов США.

28 марта 2014 года вышло Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2156 «О мерах по реализации проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы».

Заемное соглашение №UZB-P14 от 27 января 2015 года между Японским Агентством по международному сотрудничеству (JICA) и Правительством Республики Узбекистан по финансированию проекта «Реабилитация Аму-Бухарской ирригационной системы» согласовано и подписано 27 января 2015 года на сумму кредита 100 млн. долларов США.

2 февраля 2015г. принято Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-2292 «О мерах по

Таблица 1.

Технические характеристики насосных станций Аму-Бухарской ирригационной системы

| № п/п | Насосные станции | Год ввода в эксплуатацию | Марка насоса | Количество насосных агрегатов | Общий проектный расход, м³/с | Факт водо-подача, м³/с | Напор, м | | Суммарная установленная мощность, тыс.кВт |
|-------|---|--------------------------|------------------------|-------------------------------|------------------------------|------------------------|--------------------------|------------------------|---|
| | | | | | | | геодезический | Манометрический | |
| 1 | «Алатская» | 1962 | ОП5-110 | 7 | 40,5 | 33,0-37,0 | 8,86 | 10,5 | 6,6 |
| 2 | «Алатская» вспомогательная | 1985 | Д12500-24 | 6 (5+1) | 17,0 | 15-14,0 | 9,0- 10 | 12,5- 15,0 | 7,5 |
| 3 | «Каракульская» | 1963 | ОП5-110 ОП6-110 | 2 4 (3+1) | 13,5 18,1 | 12,8 16 | 7,5 4,5 | 9,0 6,0 | 2,0 3,2 |
| 4 | «Каракульская» вспомогательная | 1981 | Д12500-24 | 3 (2+1) | 6,8 | 6,8 | 10,5 | 15,0 | 2,4 |
| 5 | «Хамза I» | 1965 | 56В-17 | 9 (8+1) | 64,0 | 56,0 | 45-46,5 | 48,5-50,6 | 45,0 |
| 6 | «Хамза» вспомогательная | 1982 | Д6300-80 | 30 (24+6) | 40,0 | 36,0 | 46 | 55,0 | 48,0 |
| 7 | «Хамза II» | 1974 | В17-16/55 | 10 | 135,0 | 126,0 | 47,3 | 52,3-54,1 | 125,0 |
| 8 | «Кююмазарская» | 1965 | ОП10-185Э ОП11-193Э | 3(2+1) 3 | 40 60 | 35 50 | 17,5-21,0 | 18,0-24,0 | 30,0 |
| 9 | Плавающие насосные станции «Кююмазар 1 и 2» | 1982 | Д12500-24 | 12 (10+2) | 35,0-37,0 | 30,0 | 22,0 | 28,0 | 15,0 |
| 10 | «Кизилтепинская» | 1975 | В20-13/45 В14-14/65 | 4(3+1) 6(5+1) | 46,0 62,6 | 42,0 50,0 | 40,0- 43,5 64,5- 67,5 | 43,5-47,5 70,5-73,7 | 125,0 |
| 11 | «Кизилтепинская» вспомогательная | 1982 | Д6300-80 | 26 | 30,0 | 24,0 | 68,0 | 75,0 | 52,0 |
| 12 | Насосная станция «Жандор I» (Свердлова) | 1981 | Д12500-24 | 16 (13+3) | 46,0 | 39,0 | 9-11,5 | 10-13,50 | 20,0 |
| 13 | Насосная станция «Караулбазар» | 1997 | 1000В-4/63А | 5(4+1) | 22,5 | 20,0 | 56,0 | 63,0 | 16,0 |
| 14 | «Дустлик» | 1982 | 24НДС | 12 | 16,7 | 14 | 58,0 | 65,0 | 19,2 |

дальнейшему расширению торгово-экономического, инвестиционного, финансового и технического сотрудничества между Республикой Узбекистан и Японией.

6 февраля 2015 г. утвержден План контроля по исполнению Плана практических мероприятий по расширению торгово-экономического, инвестиционного, финансового и технического сотрудничества между Республикой Узбекистан и Японией, утвержденного Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2015 г. За № ПП-2292.

В соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2292 от 02.02.2015 года институтом АО "Узсувлойиха" разработана корректировка ТЭО проекта, ранее утвержденного Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-2156 от 28.03.2014 года.

В откорректированном ТЭО предусматривается реконструировать и реабилитировать устаревшие и энергетически неэффективные насосные станции.

За счет кредитных средств АБР:

Строительство новой насосной станции «Хамза 1» (взамен двух существующих станций «Хамза 1» и «Хамза вспомогательная») с установкой 8 насосов (7 рабочих и 1 резерв) производительностью 11,25 м³/с каждый, а также напорного трубопровода общей длиной 1,4 км. с общей производительностью 80 м³/с);

Реконструкция насосной станции «Кюю-Мазар» с заменой 6 насосов производительностью 17 м³/с каждый с общей производительностью -100 м³/с);

Реконструкция насосной станции «Кизил-Тепа» с заменой 10 насосов на 4 насоса производительностью по 15 м³/с и 6 насосов производительностью по 12 м³/с, с

общей производительностью -105 м³/с);

Реконструкция 10 ГТС в системе АБМК: Гидроузел Двойник, Сброс-1, Сброс-2, Гидроузел Тройник, Гидроузел Пересечение, Гидроузел Прокоп, Гидроузел Хархур, Гидроузел Ташрабад, Гидроузел Ростгой, Гидроузел Жилвон. Внедрение технологий по повышению продуктивности земли и воды для демонстрации на 3-х пилотных участках.

За счет кредитных средств JICA:

Реконструкция насосной станции «Хамза II» с заменой 10 насосов производительностью 15 м³/с каждый (с общей производительностью 135 м³/с);

Реконструкция насосной станции «Кизил-тепа вспомогательная» с заменой 26 насосов производительностью 1,75 м³/с каждый (с общей производительностью -39 м³/с);

В ходе реализации проекта на насосных станциях будут установлены энергоэффективные насосные агрегаты, новое электрооборудование, новые системы управления и контроля за режимом работы насосов, системы автоматики и телемеханики, современные технологии и оборудование для обеспечения эффективного управления водными ресурсами. Также будут восстанавливаться и модернизироваться приоритетные компоненты основной ирригационной системы.

После осуществления реабилитации Аму-Бухарской ирригационной системы существенно сократятся затраты на эксплуатацию и обслуживание, повысится эффективность водопользования и оказание услуг, снизится потребление воды и энергии и гарантируется водообеспечение поливных земель региона.

СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМЛАРИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ МУАММОЛАРИ

Шомайрамов М. А. - ҚСХВ, Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси бошлиғи, Тошпўлотов Н.Т. - т.ф.н., доцент, Тошкент ирригация ва мелиорация институти.

Аннотация

Мақолада сув хўжалиги тармоғи, жумладан Қарақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари томонидан электр энергиясини тежаш бўйича Давлат томонидан қабул қилинган Давлат дастурлари ва қарорлар келтирилган. Ушбу қарорлар асосида электр двигателлар, насос агрегатлари, электр ёритиш асбоблари, қувват компенсатор қурилмалари, частотани ўзгартириб двигателни ишга тушириш ускуналари ва кабелларни алмаштириш бўйича 2015 йилда бажарилган ишлар ва электр энергиясини тежаш бўйича эришилган натижалар берилган.

Abstract

The article describes the list of programs and decrees of the Government on saving the electric power in water resources sector in particular on "Pump Stations Management, Power Economy and Communication of the Republic of Karakalpakstan and republican regions". Much attention is given to the achieved results on replacement of electric motors, pumping plants, lighting units, reactive power compensators, electrical motors starting devices with frequency drive and replacement of cables. The performance results of working programs for 2015 and estimates for power saving are presented.

Аннотация

В статье приводится перечень принятых программ и постановлений Правительства по экономии электрической энергии в отраслях водного хозяйства в частности, по "Управлению насосных станций, энергетике и связи Республики Каракалпакстан и по областям Республики. Даны достигнутые результаты по замене электрических двигателей, насосных агрегатов, осветительных приборов, компенсаторов реактивной мощности, установки пуска электродвигателей с частотным регулированием и замена кабелей. Прямодится результаты выполнения рабочих Программ на 2015 год и расчеты по экномии электрической энергии.

1. Республикамизда электр энергиясининг истеъмоли ва энергия тежамкорлик муаммолари

Республикамиздаги электр энергияси истеъмолчилари томонидан ҳар йили ўртача 54.0 ... 54,5 млрд.кВт.соат электр энергияси истеъмол қилинади. Ушбу энергиянинг 41,9% соноат корхоналари, 30,8% қишлоқ ва сув хўжалиги ва қолган 27,3% бошқа истеъмолчилар улушига тўғри келади (1- расм).

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги тармоқларида йирик чорвачилик, паррандачилик ва шунга ўхшаш ишлаб чиқариш корхоналарининг кичик фирма ва фермер хўжаликларига айлантирилганлиги, технологик жараёнлардаги электр жиҳозлар иштирокининг етарлича шакланмаганлиги сабабли, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари улушига тўғри келувчи энергия миқдори (30,8%) нинг 65 ...70 % сув хўжалигининг йирик, ўрта ва кичик насос станцияларидаги истеъмолчилари ташкил этади.

2. Сув хўжалигида электр энергиясини тежаш бўйича қабул қилинган қарорлар ва дастурлар

Сув хўжалиги тармоқларида сарфланган сувга нисбаттан солиштирма электр энергиясининг сиғими ($\text{м}^3/\text{кВт.соат}$) кўрсаткичлари анча юқори бўлганлиги боис, ҳолатни тузатиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 27 сентябрдаги 06/4-81-сонли топшириғи билан Республика иқтисодиёт тармоқларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича 2011-2015 йилларга

мўлжалланган Дастури;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-1887-сонли қабул қилинган қарорининг 21-бандида вазирлик тасарруфидаги насос станцияларни беталофат ишлаши, бириктирилган майдонларга кафолатли сув етказиб



1-расм. Электр энергиясининг Республикамиздаги соҳалар бўйича тақсимоти

бериш ҳамда эскирган насос-куч асбоб-ускуналарни замонавий энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарга алмаштириш Дастури;

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 июнда “2014-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги ташкилотларининг насос-куч асбоб-ускуналарини босқичма-босқич янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 158-сонли қарори қабул қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги «Иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада 2015-2019 йилларда энергия истеъмоли ҳажмларини қисқартириш, энерготехжамкор технологияларни жорий қилиш тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2343-сонли қарорини ижроси юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 7 майдаги 96-сонли буйруғининг тасдиқланиши ва уни амалга ошириш мақсадида жойларда ишчи гуруҳлари ташкил қилиниб, насос-куч ускуналарининг техник ҳолати чуқур таҳлил қилиниб устувор объектлар аниқланиб, ҳар бир объект бўйича аннотациялар тайёрланди ва сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларининг электродвигателларини 2014 йилда энергия тежайдиган асбоб-ускунага алмаштирилиши керак бўлган устувор насос станциялари рўйхати тасдиқланиши ва уларни ижросини таъминлаш бўйича босқичма-босқич изчил равишда ишлар олиб борилаётганлигини, муаммога давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қаторида эътибор қаратилаётганлигига яққол мисол бўла олади.

Сув хўжалиги тармоқларидаги солиштирма энергия сифимининг ортиши одатда бир қанча объектив ва субъектив сабаблар оқибатида юзага келади. Буларга насос станциялари, электр тармоқлар ва подстанциялардаги ускуналарнинг узоқ муддатли узлуксиз иш режимда ишлатилиши моддий ва маънан эскиришига, электр энергияси исрофининг меъёрий кўрсаткичлардан ортишига ижобий таъсир этувчи омиллар сифатида қараш мумкин [1].

Ускуналарнинг моддий эскиришига: насос агрегатларидаги ишчи камера ва ғилдирак орасидаги оралик масофа (азор) нинг ортиши натижасида фойдали иш коэффициентининг пасайишини; электр двигателлардаги электр юритувчи кучнинг камайиши, кабель ва ҳаво линияларидаги ўтказгичлар ресурсини йўқолиши ва контакт қаршилигининг ортиши эвазига ўтказувчанликнинг заифлашишини; трансформаторга келувчи линия кучланишининг пасайиши оқибатида исроф миқдорларининг меъёрдан ортиб кетиши назарда тутилса, маънан эскиришга: насос агрегатларидаги ишлаб чиқариш қобилиятининг пастлиги, электр двигателлардаги актив қувват коэффициентининг пастлиги, ҳажм-оғирлик-меттал сарфининг катталиги натижасидаги қувват исрофининг кўплиги; электр линияларининг ўтказгичлардаги солиштирма ўтказувчанликнинг пастлиги, изоляцияловчи материаллардаги электр-механик-термик мустаҳкамлик бўйича талабларнинг қаноатлангизилмаслиги каби салбий сабабларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, энергия тежамкорлиги ва самарали эксплуатацияга эришиш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига ва вилоятлардаги “Насос станциялари,

энергетика ва алоқа бошқарма” лари томонидан давлат дастурларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш режалари ишлаб чиқилган.

3. Насос станцияларида электродвигателлар ва насос агрегатларини алмаштириш

Вазирлик томонидан, ишлаб чиқарувчи корхоналар, “Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари” ва вилоятларнинг “Худудий электр тармоқлари корхоналари” билан ҳамкорликда янгидан ўрнатилган электродвигателларнинг афзалликлари, электр энергиясини тежалишини таҳлил қилиш юзасидан мониторинг олиб бориш, 2015-2019 йиллар давомида эски насос агрегатлари ва электр двигателларни янги, замонавий, юқори ишлаб чиқариш қобилиятига эга ва энергия тежамкор, самарадорлиги юқори бўлганларга алмаштириш насос станцияларини реконструкция қилиш бўйича бир қанча комплекс тадбирлар олиб борилмоқда.

Шу жумладан, 2015 йилда 25 дона насос ва 254 дона электродвигател алмаштирилган бўлса, 2016 йилда 80 дона насос ва 290 дона электродвигател, 2017 йилда 127 дона насос ва 320 дона электродвигател, 2018 йилда 181 дона насос ва 350 дона электродвигател, 2019 йилда 245 дона насос ва 420 дона электродвигателларни алмаштириш режалаштирилган бўлиб, унинг асосий мақсади электр энергияси сарфини ўртача 5-10 фоизга камайтиришдан иборат.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, насос станцияларда 2015 йил давомида 25 дона ҳар хил русумдаги насос қурилмаларини алмаштириш натижасида сув чиқариш қобилияти ортади ва унинг эвазига 4,5 млн.м³ кўп сув чиқариб берилди ва 254 дона турли қувватдаги электродвигателлар алмаштирилди ва (3,475 млн.кВт.соат * 167,4 сўм = 581, 715 млн сўм) электр энергияси иқтисод қилинди.

4. Электр ёритиш қурилмаларнинг энергия тежамкорлиги

Насос станцияларида электр энергиясининг ортиқча сарфига олиб келувчи қурилмалардан яна бири электр ёритгичлар ҳисобланади.

Аксарият насос станциялари ўтган асрнинг 70-80 йилларида фойдаланишга топширилган бўлиб, насос станцияси биносининг ички қисми ва ҳовлиси катта қувват сарфига эга бўлган чўғланма ва ёй разряд лампали ёритгичлар билан жиҳозланган.

Оддий 100 Вт қувватга эга бўлган чўғланма лампанинг фойдали иш коэффициенти жуда паст бўлиб тармоқдан олинган қувватнинг 96 ... 97 % вольфрам спирални қиздириб иссиқлик чиқаришга ва қолган 2 ... 2,5 % ёруғлик чиқаришга сарф бўлади. Ушбу лампанинг хизмат муддати 2000 ... 2100 соатгача.

Ушбу кўрсаткич люминесцент ва ёй разрядли лампаларда тармоқдан олинадиган электр қувватининг 92 ... 93 % ёй разрядини ҳосил қилиб қизишга, 7 ... 8 % ёруғликка чиқаришга сафланади. Лампаларнинг хизмат муддати 10 000 ... 15 000 соатдан ортмайди.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш жараёнларига жадал суръатларда кириб келаётган светодиод лампали ёритгичларда фойдали иш коэффициенти 95 % дан юқори ва уларда қизиш учун сарф бўладиган йўқотишлар жуда кичкина, хизмат муддати 80 000 ... 100 000 соатгача.

Светодиод лампаларнинг яна бир устун томони тармоқдаги кучланиш 100 В дан 240 В гача ўзгарганда ҳам

нормал ёруғлик чиқариб ишлайди.

Чўғланма лампаларда эса тармоқнинг кучланиши 200 В гача пасайганда, ёруғлик чиқариш қобилияти кескин камаяди, 240 В га кўтарилганда эса ишдан чиқади. Шу сабабли ёритиш воситаларда энергия тежамкорликка эришишда эски чўғланма, люминесцент ва ёй разрядли лампаларни светодиод лампаларга алмаштириб сезиларли даражада электр энергиясини ва маблағни тежаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги ЭДО-06-40-8-сонли баёнининг 26-банди ижроси юзасидан тасдиқланган Дастурга асосан 2016 йилда Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларидаги 13902 дона светодиод лампалар ўрнатилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 6,51 млн кВт.соат электр энергияси кам истеъмол қилиниши ва бу ўз навбатида 1,08 млрд сўм (6,51 млн кВт.соат*167,4 сўм = 1 089,774 млн сўм) маблағни иқтисод қилинишини таъминлайди.

5. Қуёш фотоэлектрик қурилмалари ёрдамида электр энергиясини тежаш

Сув хўжалиги тизимларида қуёш батареяларига асосланган муқобил энергия манбаси ёрдамида энергия тежамкорлиги муаммоларини ечиш ҳозирги ва келажакда юқори натижаларни таъминлаш имкониятига эга бўлган усуллардан ҳисобланади.

Республикамизда қуёш табиий неъматидан электр энергиясини олиб ундан сув хўжалиги тармоқларида фойдаланиш, марказлашган электр тармоқларидан олинаётган электр энергия истеъмолини сезиларли даражада иқтисод қилиниши билан бирга, электр энергияси таъминоти узлуксизлигига эришиш имконини ҳам беради (2- расм).

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги ЭДО-06-40-8-сонли баёнининг 26-бандининг ижроси юзасидан тасдиқланган Дастурга асосан 2016 йилда Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларидаги 99 дона қуёш батареяларини ўрнатилиши режалаштирилган. Натижасида ҳар йили марказлашган электр таъминот тармоғидан олинadиган 0,142 млн кВт (99 дона*1 кВт*8 соат*30 кун*6 ой) электр энергияси истеъмол қилини-



2-расм. Самарқанд вилояти “Нарпай” насос станциясида қуёш фотоэлектрик қурилмаси панелларини жойлашуви

шига чек қўйилади ва бу ўз навбатида 23,86 млн сўм (0,142 млн кВт.соат*167,4 сўм) маблағни иқтисод қилишига эришилади.

6. Электр двигателларни частота ўзгартиргичлар ёрдамида бошқариш

Асинхрон типли электр двигателлар билан жиҳозланган насос станцияларидаги двигателнинг ишга тушиши, анормал режимлар, тармоқдаги актив ва реактив қувватнинг номутаносиблиги, кучланишнинг ўзгариши каби салбий факторлар электр энергияси ортишига олиб


келади. Маълумки бундай двигателлар, ишга тушиш пайтида кичик қийматдаги юргизиш моментига эга ва шунинг учун катта миқдордаги юргизиш токини талаб этади. Иш жараёнларида кучланиш ва актив қувват коэффициентининг рухсат этилган қийматдан пасайиб кетиши тармоқдан қўшимча токни олиш эҳтиёжини туғдиради ва натижада исроф ортади. Электродвигатель частота ўзгартиргич юргизиш қурилмаси билан жиҳозланса юқорида қайд этилган камчиликлар бартараф этилади, ишга тушиш равонлашади, электр энергияси исрофига чек қўйилади ҳамда хизмат муддати узаяди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги ЭДО-06-40-8-сонли баёнининг 26-бандининг ижроси юзасидан тасдиқланган Дастурга асосан 2016 йилда Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларидаги 191 дона частота ўзгартирувчи қурилмаларни ўрнатилиши режалаштирилган.

7. Кабел линияларни янгилаб энергия тежамкорликка эришиш

Электр таъминот тармоқларидаги узлуксиз эксплуатация, қисқа ва узоқ муддатли ўта юкланганлик, анормал иш режимлари, авариялар, юклама токнинг кескин ўзгариши, режали ва режасиз ўчиришлар, термик ва механик бузулишлар кабелларнинг шикастланиши ва ишдан чиқишига олиб келган. Аксарият кабель линияларида 10 ... 12 тагача ва ундан ортиқ муфтлар (кабелнинг уланиш қурилмаси) мавжуд бўлиб, ўз навбатида электр энергияси узлуксизлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Кабеллардаги изоляциянинг эскириши катта миқдорда елвизак ва сирқиш токнинг ерга ўтиши оқибатида, энергия исрофига олиб келса, ўтказгич материаллар ресурсининг пасайиши кабелнинг қизишига, рухсат этилган қийматлардан ортиқ иссиқлик энергияси исрофларига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги ЭДО-06-40-8-сонли баёнининг 26-бандининг ижроси юзасидан тасдиқланган Дастурга асосан 2016 йилда Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларидаги 14635 метр куч кабелларни алмаштириш режалаштирилган. Бунинг натижасида, насос агрегатларини узоқ муддатли беталофат ишлатишга, таъмирлаш муддатларининг қисқаришига ва



3 - расм. Жиззах вилояти “Бобур” насос станциясида ўрнатилган КРМ 200 қурилмасининг ички тузилиши

маблағнинг тежалишига эришилади.

Хулоса. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг насос станцияларидаги ускуналардан самарали фойдаланиш, электр энергиясини тежаш бўйича 2015 - 2025 йилларга бажарилиши режалаштирилган Дастур ишлаб чиқилган. Ушбу Дастурнинг бажарилиши бўйича 2015 йил давомида: 25 дона турли русмдаги насос қурилмаларини алмаштирилиб, сув чиқариш қобилияти ортиши эвазига 4,5 млн.м³ кўп сув чиқарилди. 254 дона хар хил қувватдаги электродвигателлар алмаштирилди ва 3,475 млн.кВт.соат электр энергияси иқтисод қилинди. Чўглама лампали ёриткичларни светодиод лампаларга

алмаштириш режаси 23213 дона ўрнига, 24 563 дона ўрнатилди ва 11,34 млн.кВт.соат электр энергияси тежалди. Қуёш фотоэлектрик қурилмасини ўрнатиш режаси 29 дона ўрнига, 50 дона ўрнатилди ва марказлашган тармоқдан олинadиган 0,711 млн.кВт.соат электр энергияси иқтисод қилинди. Қувват компенсацияловчи конденсатор қурилмасини ўрнатиш режаси 137 дона ўрнига, 157 дона ўрнатилди ва 11,418 кВАр реактив энергияси қопланди. Частота ўзгартиргич қурилмаларидан, 48 дона ўрнатилди, куч кабелларни янгисига (13656 метр) алмаштирилди ва катта миқдордаги энергия ва маблағларни тежашга эришилди.

Адабиётлар:

1. Н.Т.Ташпулатов, А.Д.Рахматов. Проблемы энергосбережения в насосных станциях.// Ташкент, Ирригация ва мелиорация журналы, 2015 й. №1, С. 55-57.
2. № 6/2015-сонли ИТИ ҳисоботи. “Насос станцияларида реактив қувватни компенсацияловчи конденсатор қурилмасини ўрнатиш орқали реактив ва актив энергия истеъмолини 5-10% гача иқтисод қилинишини илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш”. Тошкент 2015 й. 123 С.
3. Исмаилов М.И. ва бошқалар “Электр ёритиш ва нурлатиш”. Тошкент. ТИМИ. 2007 й. 185 С.

**“IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA” журналида чоп этиш учун мақолаларни
расмийлаштиришга қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Таҳририятга тақдим этилаётган қўлёзма бўйича муаллиф илмий-тадқиқот иши олиб бораётган ташкилот раҳбариятининг йўлланма хати, мақолани чоп этиш мумкинлиги ҳақидаги эксперт хулосаси ҳамда тақриз бўлиши керак. Мақола ўзбек, рус ёки инглиз тилида ёзилиши мумкин. Мақола номи ҳамда унинг 10-12 қатор хажмдаги аннотацияси ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилиши лозим.

2. Таҳририятга қўлёзма матни икки нусхада топширилади, икки нусха ҳам барча муаллифлар томонидан имзоланади. Мақоланинг электрон кўриниши ҳам тақдим этилади. Мақола муаллифларининг фамилиялари, исм-шарфлари, иш жойи ва лавозими, манзиллари, электрон манзиллари (E-mail) ҳамда хизмат ва уяли телефон рақамлари кўрсатилган маълумотнома берилади.

3. Мақолалар матни “MS Word 2003” дастурида “Times New Roman” шрифтида 12 ўлчамда терилган бўлиши керак.

4. Мақола хажми бир интервалда босилган матн ҳисобида (жадваллар, расмлар ва адабиётлар рўйхати билан биргаликда) 6 бетдан ошмаслиги керак. Айрим ҳолларда, агар муайян мавзу бўйича мақолага буюртма берилган бўлса, мақола хажми кўпроқ бўлиши мумкин. Матн чегараси ўлчами: юқори ва пастдан – 2,0 см, чапдан – 3,0 см, ўнгдан 1.5 см бўлиши керак.

5. Мақола бошида (берилган ўлчамда бош ҳарфда, ўртада, қалин қилиб) мақоланинг номи, ундан кейинги қаторда муаллиф(лар)нинг фамилияси ва исм-шарифи, иш жойи (ОТМ, ташкилот муассаса номи) кичик босма ҳарфда терилади. Кейинги қатордан 10-12 қатор хажмдаги мақола аннотацияси ўзбек, рус ва инглиз тилларда ёзилади. Бир интервалдан сўнг мақола матни терилади.

6. Мақола бўлим ва пунктларга бўлиниши мумкин. Бўлимларнинг номи қалин шрифтда алоҳида қаторда тегишли равишда кичик босма (қалин) ҳарфлар билан терилиб, матн чап томонидан текисланади. Пунктлар номи матннинг биринчи қаторига (қалин қилиб) киритилади. Мақола якунида хулоса ва тавсиялар берилиши керак.

7. Адабиётлар рўйхати мақола охирида, матндаги хаволалар кетма-кетлиги тартибида берилади. Адабиётлар рўйхатида қуйидагилар кўрсатилади: а) журналда босилган мақолалар ва маъруза тезислари учун- муаллифнинг фамилияси, исми шарфи, мақоланинг номи, журналнинг номи, нашр йили, сони ёки қисми ва бетлари; б) китоблар учун – муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, китобнинг номи, нашр жойи (шаҳар), нашриёт номи, нашр йили, бетлари.

8. Таҳририят барча мақолаларни тақриздан ўтказади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва чоп этишга тавсия қилинмаган мақолалар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолани кўриб чиқиш натижаларини муаллиф мақола таҳририятга келиб тушган кундан бошлаб бир ой ўтгандан кейин 237-19-61 телефон орқали билиши мумкин. E-mail: i_m_jurnal@tiim.uz

Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига муаллиф(лар) жавобгардир.

Таҳририят манзили:

100000.Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39. Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 11-бино, 220-хона.
E-mail: i_m_jurnal@tiim.uz.

ТАҲРИРИЯТ

